Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 15 (6905). ● 24 январь, 1979 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ПРИЦЕПЛАР «ШИФОХОНАСИ»

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш техника таъминоти Давлат Комитетининг Пискент район бирлашмасига қарашли ихтисослаштирилган цехда трактор прицепларини поток усулда ремонт қилиш жорий этилди. Бу ерда прицепларни қисмларга ажратиш ва йиғиш учун агдарма механизмлари бўлган конвейер ишга туширилган. Машина-трактор паркини ремонт қилиш ва фойдаланиш илмий-тадқиқот технология институти Ўрта Осиё филиалининг мутахассислари айланиш доираларини, гидроцилиндрларни, гилдиракларни, рамаларни ремонт қилиш учун мосламалар ва станокларни ишлаб чиқдилар. Бу сермеҳнат ишлар республикада биринчи марта тўла механизациялаштирилди.

Иш сифатига алоҳида эътибор берилади. Тормозлар, электр асбоб-ускуналари, гидроагрегатлар қандай йиғилганлиги махсус стендларда текшириб чиқилади.

Узелларни қайта тиклаш жараёнлари механизациялаштирилганлиги ҳар йили 800 та яъни ихтисослаштирилган цех ташкил этилганига қадар бўлганига нисбатан қарийб ўн баравар кўп прицепни ремонтдан чиқариш имкониятини беради. Ҳозирги вақтда ремонтчилар трактор прицепларини кўкламга тахт қилиб қўймоқдалар. Улар социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ремонтдан чиқарилган транспорт воситалари ресурсини янги транспорт воситалари ресурсининг 80 процентига қадар етказдилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ МАРРАЛАР, УЛКАН ВАЗИФАЛАР

Беш йилликнинг тўртинчи йили янги зафарлар билан бошланди. 1978 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг бажарилиш якунлари тўғрисида СССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти мамлакатимиз меҳнаткашларини бениҳоя руҳлантириб юборди. Бу ахборот Совет Иттифоқи меҳнаткашлари умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдириб, 1978 йилда КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришганлигимизнинг ва мамлакат иқтисодий куч-қудратининг ошганлиги, халқ моддий ва маданий фаровонлиги янада юксалганлигининг ёрқин намунаси бўлди.

Ўтган йилнинг якунлари, зафарли ва илҳомбахш меҳнат, жасорат, бунёдкорлик ишларидан руҳланган совет кишилари бу йил ўз олдиларида юксак вазифалар турганлигини тўла ҳис қилган ҳолда мардонавор ишларга отландилар. Тошкент шаҳри ва Тошкент области меҳнаткашларининг 1979 йилги социалистик мажбуриятлари матбуотда эълон қилинди. Унда айтилганидек, Тошкент шаҳри ва областнинг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини сабот билан амалга ошира борib, беш йилликнинг учинчи йилини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонладилар. Саноат корхоналари, колхозлар ва совхозларнинг коллективлари маҳсулот реализация қилиш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча турларини тайёрлаш юзасидан беш йилликнинг уч йили топшириқларини ошириб бажардилар. Халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари янги-янги муваффақиятларга эришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил бўлиб ўтган июль ва ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу Пленумларда сўзлаган ёрқин, илҳомбахш ва программ нутқлари барча совет кишилари сингари областимиз меҳнаткашларининг ҳам сиёсий ва меҳнат активлигини янада ошириб юборди.

Ўтган йил табиат инжиқликлари, об-ҳаво қийинчиликларига бардош бериш ва уни мардонавор енгиш, саноат, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ҳар қандай шароитда ҳам кўпроқ етиштириш учун қаҳрамонона кураш йили бўлди. Ваъдасига вафодор, олинган социалистик мажбурият учун курашда ғолиб чиққан, юксак ватанпарварлик, уюшқоқлик, маҳорат ва фидокорлик кўрсатган ишчилар, деҳқонлар ва интеллигентлар ўзларининг моҳирлик ва матонатларини амалда кўрсатдилар.

Бу йилги социалистик мажбуриятлар янада улкан ва масъулиятлидир. Унда баён этилганидек,— меҳнат унумдорлигини ўстириш пландагидан 2 процент юқори бўлиши таъминланади ва шунинг ҳисобига ялпи маҳсулот кўпайишининг 85 проценти олинади. 1978 йилга нисбатан саноат ишлаб чиқаришини 8 процент ўстиришга эришилади. Номенклатура ва маҳсулотларни кооперацияланган тартибда етказиб бериш шартномаларига мувофиқ топшириқларнинг бажарилиши таъминланади. Товар маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф бўладиган ҳаражатлар камайтирилади ва планга қўшимча равишда 24 миллион сўмлик фойда олинади. Саноат, қурилиш, транспортнинг турли соҳаларида ҳам истиқболли планлар белгиланган.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг аниқ ва равшан йўл-йўриқларини кўрсатиб берди. Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ўтган йилнинг натижаларини ҳисоблаб чиқиб, улардан тегишли хулосалар чиқардилар ва бу йилги вазифаларни белгилаб олдилар. Беш йилликнинг тўртинчи йилида гектар бошига 33 центнердан пахта олинади ва давлатга 430 минг тонна «оқ олтин» сотилади. Пахтачиликда техника тараққиётини тобора ривожлантириб, 115 минг гектар майдонда чигитни кенг қаторлаб экиш таъминланади, майдонларнинг ҳаммасига чигит экиш билан айни бир вақтда минерал ўғит ҳам солинади. Давлатга 315 минг тонна, яъни, 1978 йилда эришилган даражага қараганда 8,5 процент кўп каноп поя сотилади. 440 минг тонна сабзавот, 63 минг тонна картошка, 129 минг тонна мева ва узум тайёрланади. Чорвадорлар бу йил янада юксак марраларни кўзламоқдалар. Улар ўтган йилни мамнуният билан якунладилар. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 3250 килограммга етказилади. Чорвачиликнинг дағал ва ширали озуқага бўлган эҳтиёжи тўла таъминланади. 650 минг тонна ем-хашак, шу жумладан, 300 минг тонна сенаж тайёрланади, 600 минг тонна силос бостирилади. 1810 тонна пилла етиштирилиб, давлатга сотилади.

Бу йилги социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши навбатдаги йилларнинг истиқболини таъминлайди. КПСС Марказий Комитетининг ва Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумлари, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиялари қабул қилган қарорлар ва қонунлар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг илҳомбахш нутқлари мамлакатимиз социал ва иқтисодий тараққиётининг, республикамиз ва областимиз халқ хўжалиги ва маданий ҳаётининг ёрқин уфқларини белгилаб берди. Ҳамма ерда янги йилнинг биринчи кунларидаёқ сиёсий ва меҳнат активлиги юксак кўтаринкилик билан жўш урмоқда. СССР Олий Советига бўладиган сайловлар муносабати билан саноат корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари, колхоз ва совхозларнинг коллективлари фидокорона меҳнат қилиб, беш йилликнинг тўртинчи йили вазифаларини шараф билан бажариш учун янги марраларни белгиламоқдалар, оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар.

Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ областимиз ишчилари ва деҳқонларининг зарбдор меҳнатлари, муваффақиятлари, ватанпарварлик ҳаракатлари кувонч, навбатдаги ишларга сафарбарлик бахш этмоқда. Илғор корхоналар ва коллективларда ойлик, квартал планларнинг бажарилганлиги ҳақида, кўклам дала ишларига техника, уруғлик, ўғит ва бошқа нарсалар тахт қилиб қўйилганлиги тўғрисида хушхабарлар келмоқда. Бу — халқимизнинг Ватанга, партия ишига садоқати, юксак онглилик, уюшқоқлик фазилатларининг ёрқин намунасидир.

Ҳар бир район, шаҳар, ҳар бир колхоз, совхоз ва ниҳоят областимиз тўртинчи йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари омманинг сиёсий ва меҳнат активлигини янада ошириб, барча имкониятларни ишга тушириб, социалистик мусобақа байроғини баланд кўтаришлари, ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишларни юксалтириб, бу йилги вазифаларни ҳам шараф билан бажариш учун курашишлари керак. Ўтган йилнинг ижобий муваффақиятлари навбатдаги ишларга намуна бўлмоғи керак. Ўтган йилнинг камчилик ва нуқсонларидан тегишли, амалий хулосалар чиқариб, бу йил уларнинг такрорланмаслиги ва ниҳоят ҳамма корхоналар, коллективлар ва хўжаликларда юксак муваффақиятга эришишимиз лозим.

Партия ташкилотлари омманинг раҳбари, илҳомбахш, сафарбар этувчи кучдир. Улар меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар, партиявий-ташкилий тадбирларнинг янада самарали ва таъсирчан методлари, шаклларини турмушга тадбиқ этишлари лозим. Область партия ташкилотининг яқинда бўладиган конференциясини барча соҳаларда янги муваффақиятлар билан кутиб олайлик.

Беш йилликнинг тўртинчи йили областимиз саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданиятида янги зафарлар йили бўлсин, халқимиз ҳаёти бундан ҳам фаровон бўлсин.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг коллективи ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида яна ҳам самаралироқ меҳнат қилиш учун социалистик мусобақани кундан-кунга қизитиб бормоқда. Корхонада «Сафимизда қолоқлар бўлмасин!» шиори остида меҳнат қилаётганларнинг сафи ўсиб мустаҳкамланяпти. Кўплаб ишчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар. 4-цех ишчиси Қўчқор Орипов ана шундай илғорлардан бири. У корхонада 24 йилдан бери меҳнат қилиб келяпти. Илғор ишчи 1981 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Суратда: (чапда) янги ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги машиналари; (ўнгда) пешқадам ишчи Қ. Орипов.

А. Тўраев фотолари.



ЯКДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

115-Тошкент-Ленин сайлов округида округ сайлов олди кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири **Иван Дмитриевич Сербинни** СССР Олий Совети Миллатлар совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлигини қувватлашга қарор қилдилар.

597-Термиз сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари бўлиб ўтган сайлов олди кенгашида Ленин йўли районидаги Буденний номли совхоз бригадири **Холмўмин Сапаровни** СССР Олий Совети Иттифоқ совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганлигини қўллаб-қувватладилар.

590-Чортоқ сайлов округида бўлиб ўтган сайлов олди кенгаши Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси **Иномжон Бузрукович Усмонхўжаевни** СССР Олий Совети Иттифоқ совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлигини маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон сайлов округларида бўлиб ўтган сайлов олди кенгашларида сайлов олди йиғилишларининг СССР газ саноати министри, Ленин мукофоти ва Давлат мукофотининг лауреати **Собит Отаевич Оружевни** Хўжайли сайлов округидан, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари **Тўхтамиш Боймировни** Жиззах сайлов округидан, СССР юстиция министри **Владимир Иванович Теребиловни** Қўқон сайлов округидан, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари **Рўзмат Ғойбович Ғойбовни** Қарши сайлов округидан, Совет Иттифоқи Маршали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони **Павел Федорович Батицкийни** Бухоро шаҳар сайлов округидан, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари **Солижон Мамарасуловни** Ленин сайлов округидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал-лейтенант **Юрий Павлович Максимовни** Чимбой сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганликлари тўғрисидаги қарорлар якдиллик билан маъқулланди.

121-Янгийўл сайлов округида бўлиб ўтган сайлов олди кенгаши КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари **Константин Устинович Черненко** билан Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба хўжалигининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Энвер Алиев** СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатилганлигини маъқуллади.

Ўзбекистондаги сайлов округларида бўлиб ўтган округ сайлов олди кенгашларида СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар қўллаб-қувватланди: Ангрен сайлов округидан — СССР меҳнат ва социал масалалар давлат комитетининг раиси **Владимир Григорьевич Ломоносов**. Избоскан сайлов округидан — Бўз районидаги Тельман номли колхоз механизатори **Офтобхон Тургунова**, Бухоро қишлоқ сайлов округидан — Томди районидаги «Авангард» совхозининг бош чўпони **Қувониш Данбоев**, 108-Булунғур сайлов округидан — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик **Обид Содиқов**, Тўрткўл сайлов округидан — Ўзбекистон ССР Давлат Хавфсизлик Комитетининг раиси **Левон Николаевич Мелкумов**, Урганч сайлов округидан — Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари **Мадёр Худойберганов**, Марғилон сайлов округидан — Қуйбишев номли Марғилон ипак комбинатининг тўқувчиси **Зуҳра Сотволдиева**, Ленинобод сайлов округидан — Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг Раиси **Наима Маҳмудовна Маҳмудова**, Мўйноқ сайлов округидан — Мўйноқ балиқ саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг қадоқловчиси **Зарбиби Аспетуллаева**, Хива сайлов округидан — Хивадаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» тикувчилик фабрикасининг тикувчи мотористи **Гавҳар Отажонова**.

(ЎзТАГ).

ҲАМИД ОЛИМЖОН ЮБИЛЕЙИГА

22 январь куни Тошкентда атоқли совет шоири, таниқли жамоат арбоби Ҳамид Олимжон туғилган кунининг етмиш йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Министрликлар ва идораларнинг, ижодий союзларнинг раҳбарлари юбилейга тайёргарлик тўғрисида ахборот бердилар. Юбилей 1979 йилнинг декабрида кенг нишонланади.

Шоир юбилейи — мамлакатимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлади. Республика нашриётлари ана шу шонли санага атаб Ҳамид Олимжон ўн томлик асарлар тўпламининг дастлабки китобларини, икки китоб қилиб поэмалар тўпламини, айрим асарларини босмадан чиқаради. Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Академик катта театри Ҳ. Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» номли балладаси асосида шу номдаги балет яратиш устида иш олиб бормоқда. Ўзбекистон кинематографиячилари шоирнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида рангли ҳужжатли фильм яратмоқдалар. Республиканинг маданий маърифий муассасалари — кутубхоналарда, маданият саройлари ва уйларда адабий кечалар ўтказилади, китоб виставкалари очилади. Ўзбекистон рассомлари атоқли шоирнинг ва унинг асарлари қаҳрамонларининг образини гавдалантирувчи янги асарлар тайёрламоқдалар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Тошкент область XIX партия конференцияси 1979 йил 30 январь соат 10 да область партия комитетининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди. Делегатлар 29 январь соат 14 дан 18 гача мажлислар залида рўйхатга олинади.

Тошкент область партия комитети.

ОММАВИЙЛИК — ШИОРИМИЗ

Тошкент тажриба эксперименталь ремонт-экскаватор заводи республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг йирик ремонт базаси ҳисобланади. Корхона коллективи ҳар йили катта ҳажмда асбоб-ускуналарни қайта тиклаш ишларини амалга оширмоқда. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Давлат планлари муваффақиятли бажариляпти. Бунда социалистик мусобақанинг роли қандай бўлмоқда? Шу ҳақда завод касаба союз комитети раисининг ўринбосари Комил Маҳмудович ТУШАКОВ мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— КОЛЛЕКТИВИМИЗ ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. КПСС XXV съезди тарихий қарорлари асосида республикамизда амалга оширилаётган медиорация ва сув хўжалиги ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда. Корхонамизда ҳар йили ўрта ҳисоб билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 8 процентдан ортиб боряпти. Беш йилликнинг ўтган уч йили ичида бу кўрсаткич 1975 йилдагига нисбатан 24 процент ошди. умуман беш йиллик давомида эса у 39,6 процентни ташкил этиши керак. Хеч шубҳасиз, коллективимиз бу вазифанинг уддасидан чиқади.

Ишчи-хизматчиларимизнинг ўтган уч йилдаги ва зарбдор йилдаги меҳнати натижалари шундан далолат бермоқда. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани ўтган йили 103,2 процент қилиб адо этилди. Муқобил план бўйича иш ҳажми ҳам ортиги билан бажарилди. Уч йил давомида эса реализация планининг бажарилиш кўрсаткичи 102,4 процентни ташкил этди. Кўшимча юзларча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ремонт ишлари амалга оширилди.

Коллективимиз эришаётган бундай ютуқларда социалистик мусобақа ҳал қилувчи роль ўйнаяпти, десак муболаға қилмаган бўламиз. Тўғри, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, янги асбоб-ускуналарни жорий қилиш, прогрессив технологияни қўлланиш юзасидан қўплаб ташкилий-техникавий тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Лекин, улардан ишни кўзини билиб фойдаланиш ишчи ва хизматчининг ўқувига, билимдонлигига боғлиқ. Улар ўз касбларини қанчалик пухта эгаллашган бўлса, ишлари ҳам шунчалик унумли бўлади. Бунга эса социалистик мусобақада фаол қатнашиб, илғор иш усулларини ўрганиш, касбдошларининг иш тажрибасидан баҳраманд бўлиш туфайли эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам социалистик мусобақанинг янги-янги формаларини жорий қилишга катта эътибор берямиз.

Заводимизда цехлараро, бригадалараро мусобақалар ташкил этилган бўлиб, унинг натижалари ҳар ойда бир марта якунланмоқда. Мусобақа ғолиблари ҳар томонлама рағбатлантириляпти. Уларга пул мукофотлари, кўчма Қизил байроқлар ва вимпеллар берилмоқда. Цехлараро мусобақада қуюв, металл конструкциялари, бош механик бўлимининг ремонт цехи коллективлари пешқадамлик қилишяпти. Бу коллективларнинг ҳар бири ўтган йил давомида 4—5 марталаб мусобақа ғолиблари бўлишди. Қолган ойларда ҳам мукофотли ўринларни эгаллашди.

Ҳар бир цехда бригадалараро меҳнат беллашуви пухта йўлга қўйилган. Бир хил касб ва деярли бир турдаги ишни бажарувчи бригадаларнинг «рақобати» яхши бўлмоқда. Улар бир-бирларининг тажрибаларини, меҳнатни ташкил этишдаги, коллективни тарбиялашдаги илғор иш усулларини ўртада баҳам кўрмоқдалар. Бундай мусобақаларда И. Зинуров бошчилик қилаётган штамповка-чилар, Ю. Хусниддинов раҳбарлигидаги чиниктирувчилар, В. Кулагин етакчилик қилаётган металл конструкциялари ишлаб чиқарувчи бригадалар доим пешқадам. Улар топшириқни ой сайин 120—130 процентдан бажаришяпти. Бу бригадаларнинг меҳнат календарида ўнинчи беш йиллик тўртинчи йилининг сўнгги ойлари бошланган.

Биз мусобақанинг индивидуал формасини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Деярли барча ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар унга жалб қилинган. Коллективимиз ҳар бир аъзосининг шахсий социалистик мажбурияти махсус варақада қайд қилинган. Берилган ваъдаларнинг бажарилиши унда кўрсатиб борилади. Шунга қараб ҳар бир инженер-техник ходим, ишчи ва хизматчи шахсий мажбуриятини қандай бажараётганлигини билиш мумкин.

Шахсий мусобақада ғолибларни аниқлаш учун балл системаси жорий қилинган. Ҳар бир пунктнинг бажарилиши маълум миқдордаги балл билан баҳоланади. Шу баллар йиғиндиси бўйича энг юқори кўрсаткичга эришганлар мусобақа ғолиби бўлишади. Бунда иш нормасини ошириб бажаришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Айни вақтда маҳсулотнинг сифати, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни киритиши, мураббийлик ҳаракатида иштирок этиб, ёш ишчи-хизматчиларга ўз тажрибасини қандай ўргатаётганлиги ва бошқа шу каби қатор шартларнинг бажарилиши инобатга олинади.

Шахсий социалистик мусобақада иштирок этаётган кўпчилик ишчиларнинг меҳнат кўрсаткичлари йил сайин юксалиб бормоқда. Бу соҳада, айниқса, бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини 3,5—4 йилда уддалаш учун курашаётган ремонтчиларнинг меҳнат жасоратини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Фрезерчи Рашид Нигматуллин, токарь Олег Митрофанов, йиғувчи слесарь Виктор Мейер, металл қирқувчи Завзат Зарипов, унинг касбдоши Когай Қориев, қуювчи Мақсуд Камолиддинов ва бошқа ўнлаб ишчиларимиз ўзларининг унумли ва сифатли ишлари билан коллективимиз ҳурмат-эътиборини қозонмоқдалар. Бу пешқадамлар анчадан бери ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлашяпти. Шу кунларда уларнинг сменадаги ўртача иш кўрсаткичлари 180—220 процентни ташкил этмоқда.

Социалистик мусобақа ғолибларини рағбатлантириш ҳам муттасил такомиллашиб бормоқда. Унинг янгиянги формалари қўлланиляпти. Бу эса ишчи-хизматчилар куч-ғайрати ва ижодий изланишини коллектив олдида турган барча мураккаб вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига сафарбар этишга ёрдам бермоқда.

Улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ меҳнаткашлар ўртасида соғлом, беғараз меҳнат беллашувини яхши йўлга қўйиш, социалистик мусобақани ташкил этиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган эди. Унинг бу кўрсатмаларига амал қилиш халқ хўжалигининг барча соҳаларида катта-катта ғалабаларни қўлга киритишга ёрдам бермоқда. Буни биргина бизнинг корхонамиз мисолида ҳам яққол кўриб турибмиз. Шунинг учун бундан буён ҳам социалистик мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш, унинг оммавий бўлишини таъминлаш, ошкоралигига эришиш йўлида тинимсиз изланиш олиб бораверамиз.

М. МИРҲАМИДОВ.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАКА № 1 (191)

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ФЕРМАДАГИ НУҚСОНЛАР

Областимиз колхоз ва совхозлари, бошқа чорвачилик ташкилотлари қишловни намунали ўтказиш, жамоат чорвачилигини ҳар томонлама юксалтириш йўлида зарур чора ва тадбирларни кўрмоқдалар. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан область хўжаликлари сут, гўшт етиштиришни сезиларли даражада кўпайтирдилар. Бу ютуқка озуқа базасини мустаҳкамлаш туфайли эришилмоқда. Кейинги пайтда озуқа экинлари экиладиган майдонлар кенгайди, озуқа тайёрлаш миқдори кўпайди.

Ўтган йили 707,9 минг тонна дағал хашак, 316,5 минг тонна сенаж, 590 минг тонна силос тайёрланди. Энди ҳамма гап мана шу ғамланган озуқадан рационал фойдаланиш, қишловни намунали ўтказишда қолган.

Кўпгина хўжаликлар қишлов арафасида чорвачилик биноларини тўла ремонтдан чиқардилар ва уларни ички тадбирларини кўрдилар. Озуқа цехлари ва кухняларнинг иш ҳолати яхшиланди. Лекин шунга қарамай баъзи бир жойларда қишловга ўз вақтида пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги ҳам маълум бўлди. Айрим хўжаликларнинг чорвачилик фермалари мутахассислар ва ходимлар билан тўла таъминланмаган. Область бўйича 69 зоотехник, 49 ветеринария врачи, 41 ветеринария фельдшери, 110 соғувчи, 277 молбоқар ва чўпон етишмайди. Чорвадорлар махсус кийим-бошлар билан етарли миқдорда таъминланмаган. Чорва боқуви ҳам яхши эмас. Шу боисдан қиш фаслида чорва маҳсулдорлиги пасаймоқда.

Текширув ўтказилган кунда Бўка райони хўжаликларида кўпгина нуқсонлар аниқланди. Фермалардаги мавжуд механизмлар ҳамма жойда ҳам нормал ишламаяпти. Озуқа сарфиёти устидан пухта назорат ўрнатилмаган. Моллар аниқ рацион асосида боқилмаяпти. «Ленинизм» колхози фермасининг ветеринария-санитария ҳолати қониқарсиз деб топилди. Молхоналарнинг теварак-атрофи кўримсиз, томлардан чакка ўтиб ётибди, деразаларга ойна солинмаган.

Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозида бундан ҳам хунук манзара кўзга ташланди. 400 бош бузоқ, 25 бош сигир атрофи очиқ айвонларда сақланмоқда. Молхона қурилиши бошланган-у, аммо ниҳоясига етказилмаган.

Область халқ контроли комитети ўз йиғилишида бу масалани кўриб чиқиб, «Ленинизм» колхози бош зоотехниги Расуловга виговор эълон қилди, 2-«Пискент» совхози бош зоотехниги Хванин жиддий огоҳлантирди.

ҚУЙЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Назоратчилар область районларида бўлиб, қўйчилик қандай ривожланаётганлигини кўздан кечирдилар. Текширув мобайнида шу нарсалар маълум бўлдики, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Бўка районларида қўй ва эчкиларни кўпайтиришга кейинги йилларда мутлақо эътибор берилмай қўйган. Бўстонлиқ районида кейинги икки йилда қўйлар сони 2627 бошга камайиб кетди. Ўтган йили белгиланганидан 2425 бош кўзи кам олинди. Қўйларни сўйиб юборишэса 14 процентга кўпайиб кетди.

Айниқса, райондаги Жданов номли, «Қизил ту» ва Фрунзе номли колхозларда қўйчиликни ривожлантириш қониқарсиз аҳволдадир. Ўтган йили Фрунзе номли колхозда 1792 бош, «Қизил ту» колхозида 1641 бош, Жданов номли колхозда 1330 бош қўйни сўйиб юборишга мажбур бўлинди. Чунки бу қўйлар қаровнинг ёмонлиги натижасида турли хил касалликларга чалинган эди. Оҳангарон, Коммунистик районларининг айрим хўжаликлари ҳам қўй-эчкиларни кўпайтириш ўрнига камайтириб юбормоқдалар.

Область халқ контроли комитети қўйчиликни ривожлантиришга эътиборсизлик билан қараётган Фрунзе номли ва «Қизил ту» колхозларининг раҳбарларига маълум миқдорда жарима солди. Бўстонлиқ район қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Мунга жамоат чорвачилигини ривожлантиришда йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатилди.

СИФАТЛИ ҚУРИЛИК

Кейинги йилларда областимиз шаҳар ва қишлоқларида катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Фойдаланишга топширилаётган қурилмалар, уй-жойлар, маданий-маиший муассасалар тобора кўпаймоқда. Бу албатта, барчани қувонтиради. Лекин қурилаётган объектлар сифати талаб даражасида бўлаяптими? Назоратчилар эътибори ана шу масалага қаратдилар.

«Ташоблколхозстрой» трести плакида ўтган йилнинг учинчи кварталида Тўйтепа шаҳрида 624 ўринли мактабни фойдаланишга топшириш белгиланган эди. Ўрта Чирчиқ кўчма механизациялашган колоннаси план ортидан қувиб, шошма-шошарлик билан кўпгина жараёнларни эътибордан четда қолдирди. Суворқ ишлари турли хил цементдан бажарилди. Шунда ҳам 60 квадрат метр жой қолиб кетди. Теварак-атрофни ободонлаштириш, қозонхонани ишга туширш, энергия билан таъминлаш ишлари ҳам қўл учида бажарилди.

Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхозида қурилаётган 90 ўринли болалар боғчасида ҳам «Ташобл-колхозстрой» трести қурувчилари ишлаяпти. Улар ўтган йилда 137 минг сўмлик капитал маблағни ўзлаштиришлари керак эди. Лекин бу топшириқ 70 процентда қолиб кетди. Қурилишни тўла тугаллаш учун яна 100 минг сўмлик иш бажарилиши керак. Текширув пайтида қозонхона қурилиши сифатсиз бажарилганлиги маълум бўлди.

Калинин районидаги «Назарбек» совхози посёлкасида қурилган 1176 ўринли мактаб ўтган йилнинг 1 сентябрида фойдаланишга топширилган эди. Лекин қозонхона газга уланмаганлиги, иссиқлик таъминоти йўқлиги учун қабул қилиш бўйича тузилган давлат комиссияси акти имзоланмади. Бош пудратчи бўлмиш 37-кўчма механизациялашган колонна вакиллари электромонтож ва ёритиш ишларини тўла тугалламадилар. Ирригация системасидаги ишларни сифатсиз бажардилар, фонтанчалар қуришни мутлақо эсдан чиқариб қолдирдилар. Оққўрғон районо марказида қурилган 1176 ўринли мактабда бундан ҳам қўпроқ камчиликлар бор.

Область халқ контроли комитети қишлоқ қурилишидаги мавжуд нуқсоларни анализ қилиб, бинокорлик ташкилотлари раҳбарлари зиммасига конкрет вазифалар юклади.

Р. ПАРДАЕВ,
халқ назоратчиси.

Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз чорвадорлари 1978 йилни муваффақиятли якунладилар. Колхозда гўшт тайёрлаш халқ хўжалик плани 106, сут 103 процент бажарилди. Колхозда чорва маҳсулотларини ошириб бажаришда, коммунист, қишлоқ советининг депутати сут соғувчи Олия Темирбекова ҳам муносиб ҳисса қўшди.

И. Портнов фотоси.

ОБИ-ҲАЁТ УЛАШИБ

Чотқол тизма тоғ этаклари Паркент зонасида ҳар йили кўплаб гектар ерлар ўзлаштирилмоқда. «Паркентводстрой» трестининг коллективи янги сув шоҳобчаларини очаяпти. Трест аҳли янги ғалабани қўлга киритди. Паркент каналининг ўн километр узунликдаги участкаси муддатидан илгари қуриб битказилди.

Канал трассаси Чотқол тизма тоғ этакларидаги геологик жиҳатдан мураккаб жойдан ўтади. Шунга қарамай, бунёдкорлар зафар кетидан зафар қучишаяпти. Ўтган йили салкам 1 миллион куб метр туроқ қазиш ишлари бажарилиб, 24 та йирик гидротехника иншооти қурилди. Ана шу канал ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 1100 гектар янги ерни об-ҳаёт билан таъминлайди.

Канал қурилиши битказилгандан сўнг Чотқол сув омборидан бир неча ўн минг гектар қўриқ ерга сув чиқарилади. Неча асрлар қақраб ётган тоғ этаклари гўзал боғга айланади. Шубҳасиз, бундай бунёдкорлик ишларини тезлаштиришда, серқуёш республикамиз қўйнида янги боғроғларни ташкил этишда халқ назоратчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бордир.

«Паркентводстрой» трестининг халқ контроли группаси аъзолари сув шоҳобчалари қурилишини тезлаштириш мақсадида рейдлар ўтказишяпти.

З. ЖУРАЕВА.

МЕТАЛЛ—ҲИСОБДА

«Таштекстильмаш» заводи халқ назоратчилари қора металлни иқтисод қилишда резервларни тўла ишга солмоқдалар. Кейинги пайтда пластмасса, металл керамика, алюминий каби хом ашёлар металл ўрнида кенг қўлланилмоқда. «ПК-100» машинаси учун илгари кўплаб чўян деталлар ишлатиларди. Эндиликда бошқа хил хом ашёлардан ҳам шундай деталлар ясаш имкони топилди. Натижада машина оғирлиги 23,8 процент енгиллашиб, 1593 килограмм металл иқтисод қилинадиган бўлди.

Йигирув-тортув приборларининг қисмлари ҳам ҳозир алюминийдан ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир тонна қуйилмадан 643 сўмлик самара олиняпти. Бундай мисолларни кўпроқ келтириш мумкин.

Бу йил назоратчилар иқтисод қилиш бўйича конкрет вазифаларни белгилаб олишган.

ПРОЖЕКТОР

НУР СОЧМОҚДА

1979 йилнинг январь ойи ҳам тугаб бормоқда. Областимиз комсомол-ёшлари ўтган йилда тўпланган тажрибаларга таяниб ҳозирданоқ янги йил мўл ҳосили учун пухта тайёргарлик кўришяпти. Қурилиш майдонларида, цехларда зарбдор меҳнат давом этяапти.

Ўтган йили областимиз пахтакорлари катта хирмон уйдилар. Ташаббускор Тошкент область маккажўхорикорлари юксак кўрсаткичларни қўлга киритдилар. Саноатчиларнинг зафарлари ҳам кам бўлгани йўқ. Шубҳасиз бунда комсомол прожекторчиларининг муносиб ҳиссалари бордир. Ўтган йили 35 минг ёшни ўз сафига бирлаштирган прожекторчилар армияси 3 мингдан ортиқ рейд ва текширишлар ўтказишди. Кўрилган тадбирлар туфайли кўплаб электр энергияси, металл ва материаллар тежаб қолинди.

Маълумки, ўтган йили обҳаво жуда катта қийинчиликлар туғдирди. Ўсимлик ҳар йилгига нисбатан ўсишда бироз орқада қолди. Шу муносабат билан текширишларда камчиликларни кўрсатиш билан бирга илғор тажрибаларни кенг пропаганда қилишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Ёввойи ўтларга қарши курашиш мақсадида мактаб ўқувчилари ва ёшлардан иборат 145 та ёш прожекторчилар отряди тузилди. 200 дан ортиқ комсомол-ёшлар бригадаларида қўшимча тадбирлар ўтказилди. Июль-август ойларида агротехник тадбирлар қандай ўтказилаётганлиги ҳақида районлараро текширувлар ўтказилди. Шу билан бир қаторда машина-трактор парклари, дала шийпонларида, фермаларда, меҳнаткашларга қандай маданий-маиший хизмат кўрсатилаётгани ҳам текшириб борилди.

Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг Т. Қосимов бошлиқ маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадасида культивация қилиш намунали ташкил этилди. Шу муносабат билан уларнинг тажрибасини оммалаштирдик.

Комсомол прожекторчилари ўз фаолиятларида барча соҳани қамраб олишга интилмоқдалар. Ўтган йили саноат корхоналарида, қурилиш ва транспорт ташкилотларида ҳам рейд ва текширишлар ўтказилди. Масалан, Ғазалкент консерва заводига келтирилган сабзавот ва мевалар нотўғри сақланганлиги туфайли 20 процентга яқини нобуд бўлаётганлиги аниқланди. Рейд натижаси корхона комсомолларининг йиғилишида муҳокама этилди. Тўртта қўшимча пост тузилди. Ана шу соҳада қилинган ишлар деворий газетада акс эттириб борилди. Тез орада яхши натижалар қўлга киритилди.

Металлни тежаш бўйича ҳам қатор ишлар қилинмоқда. Бу борада айниқса, «Таштекстильмаш» заводининг прожекторчилари катта ютуқларга эришишяпти. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган даври ичида 220 тоннадан ортиқ қора ва 100 тоннага яқин рангли металл, 2500 гигакалорий иссиқлик энергияси, 1500 минг киловатт соат электр энергияси ва бошқа материаллар тежаб қолинди.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг прожекторчилари ҳақида ҳам шундай яхши гапларни айтиш мумкин. Улар пластмассадан кенг фойдаланиш ҳисобига 60 тоннага яқин металлни тежаб қолдилар.

Шунн ҳам айтиш керакки, айрим корхоналар комсомол прожекторларининг аъзолари тежамкорликка етарли даражада эътибор беришмаяпти. Масалан, Тошкент трактор заводининг прожекторчилари бу борада жуда кам рейд ва текширишлар ўтказишяпти.

Шу кунларда комсомол прожекторчилари қишловни муваффақиятли ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар фермаларда ишнинг тўғри ташкил этилишини таъминламоқдалар. Чорвачиликда механизациядан тўла фойдаланишга эътибор кучайтирилган. Бу йил ўтказилган рейд ва текширишларда 250 нафарга яқин прожекторчилар ва ёш мутахассислар иштирок этишди. Рейдлардан сўнг жойларда комсомол-ёшлардан қурилиш бригадалари ташкил этилди. Бу бригадалар кучи билан 50 та ферма ва айвонлар ремонтдан чиқарилди ҳамда ишитилди. Ёш слесарлар ферма ва комплекслардаги юзга яқин механизм ва ускуналарни ремонт қилишди ва созлашди.

Калинин район прожекторчиларининг активлиги билан чорвачилик фермаларида иш яхши ташкил этилди. Хашак майдалаш, озуқа йиғиш механизмлари яхши ишлатилмоқда. Коммунистик районидаги фермаларда ҳам чорва қишлови яхши ташкил этилган.

Жуда кўп чорвачилик фермаларида хашакни майдалаб, бўғлатиб бериш талаб даражасида қўйилган. Лекин Оҳангарон ва Янгийўл районларидаги айрим хўжаликларда озуқа цехлари яхши ишлатилмаяпти. Бу районларда прожекторчилар яна ҳам активлик билан иш олиб боришлари керак.

Область комсомол прожекторчилари олдида катта вазифалар турибди. Ҳар бир группа перспектив план асосида ҳаракат қилмоғи керак. Биз биламизки, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида катта ютуқларга эришсак, бу беш йилликнинг якунига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам, прожектор нурини янада ёркинроқ сочишга ҳаракат қиламиз.

С. АЖИБЕКОВ,
область комсомол прожектори штабининг аъзоси.

БАРАКА—ТЕЖАМДА

Иқтисодий тежамкорлик юриши корхонамизда беш йиллик бошидан буён давом этиб келмоқда. Кўрикда айниқса халқ контроли бош группаси назоратчилари актив иштирок этмоқдалар. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми, ускуналардан ва иш вақтидан унумли фойдаланиш, хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш, маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари улар эътиборидадир.

Ўтган йили халқ контролининг бош группасига сигнал тушди. Унда корхонага кооперация йўли билан келтирилаётган қимматли хомашё — ангидридларни тушириб ва бўшатиб олишда ҳар бир қопда препаратнинг бир қисми қолиб кетаётганлиги айтилган эди. Дархол исрофгарчиликка қарши кураш тадбирлари кўрилди. Натижада йил бўйи 20 тоннага яқин қимматли хом ашё тежаб қолинди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Заводнинг барча цехларида хом ашё ва материалларнинг тежаб-тергаб сарфланиши устидан халқ назоратчилари қатъий контроллик олиб бораётирлар.

Кейинги йилларда 1 миллион 200 минг киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси, уч ярим минг гекакалориядан кўпроқ иссиқлик энергияси, 700 тоннага яқин шартли ёнилги ҳамда кўплаб хом ашё ва материаллар тежаб қолинди.

Ленинградликлар ташаббусларига қўшилган корхонамиз меҳнат коллективи беш йилликнинг зарбдор йили охирида тежалган хом ашёлар ҳисобига кўплаб лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Бундай тежамкорликка эришувимизда корхона рационализатор ва ихтирочилари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шундай рационализаторлардан Ю. Истошин билан А. Костиконинг насос ускунасини қайта ўрнатиш, Ю. Матвеевнинг статик конденсаторларни янада мақсадга мувофиқроқ қилиб ўрнатиш тўғрисидаги таклифлари катта иқтисодий самара келтирди. Ғ. Ушаков электр-индукцион қизитиш реакторидаги симларнинг янги типини ўйлаб топди. Марказий лабораториянинг ходимлари эса лак ва бўёқ ишлаб чиқаришнинг бир қатор жараёнларида жут ва кунгабоқар мойи ўрнида чигит мойи ишлатишни жорий этдилар.

Корхона партия ташкилоти цех партия бюролари билан ҳамкорликда иқтисодий тежамкорлик борасида саккиз марта конкурс ва учта кўрик ўтказилди. Иқтисодий тежамкорлик масаласи корхонанинг партия хўжалик актив йиғилишида, ишлаб чиқариш йиғилишларида муҳокама этиб турилади.

Заводимизда 1978 йил план топшириқларига қўшимча равишда 1 миллион 503 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Йил давомида мамлакатимизнинг юзлаб шаҳарларига 54 миллион 754 минг сўмлик сифатли маҳсулотлар жўнатилди. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш тадбирларини белгилаган коллективимиз беш йилликнинг тўртинчи йилида 55,4 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга сўз берди. Бир вақтнинг ўзида корхонада реконструкция ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Е. ТОЧИЛИН,
Тошкентдаги лак-бўёқ заводи халқ контроли бош группасининг раиси.

«Госкомсельхозтехника» Ўрта Чирчиқ район бирлашмаси устахоналарида баҳорги экин экиш кампаниясига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Барча иш участкаларида халқ контроли постлари тузилган. Улар техниканинг сифатли ремонтдан чиқарилиши, графикларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиб бормоқдалар. Жойларда техника ремонтига бағишланган рейдлар ўтказиб турилибди. Суратда: бир группа халқ назоратчилари ремонт қилинган техниканинг сифатини текширмоқдалар. (Чапдан ўнгга) Ў. Абдуқулов, Т. Каримов ва Т. Мусатировлар.

В. Сироткин фотоси.

БЕПАРВО

Манглай тер тўкиб танти деҳқон ёзар хуморни,
Зарга бўркаб элини, яшнатай дер диёрни.
Яхоб бериб, шудгорни тамомлаб азаматлар
Техника ремонтига ғорлар дуту-ёрни.
Аммо қиш уйқусидан турмас баъзи «тўралар»,
Мудом пинакка кетган, чиқармасдан ғуборни.
«Илиб, исиб қолди-ку, қулар, чиққил далага» —
Дейишса, у баҳона қилар нуқул оз қорни.
Дунёни сел олса гар чиқмайди тўпиғига,
Бет қалин, жон ҳузурни билишини беорни.
Чизел, сеялкаларга ин қўйган мусичалар,
Ахир қаердан олсин комус ила у орни.
Техника қаровсиз-у, ётар доим занг босиб,
Бепарвоев бепарво, ўйламас ҳеч баҳорни.
Ана-мана дегунча баҳор ҳам келар, унда
Бармоғни тишлаб қолар, қаранг, бу нобакорни.

Муаффар ТУРОБОВ.

АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

ТУНГИ СУҲБАТ

— Дод, нафасим қисилиб кетяпти, адойи тамом бўлдим!

— Ким, ким у? — товушлар эшитилди.

— Мен бечорадан ҳеч ким хабар олмай қўйди. Колхоздан ташшда юз-кўзимизга қарамай, сараламай, ур-йиқит қилиб омборга уюб ташлашди. Магазинга келишда ҳам шундай бўлди. Бурчакка тўқилганимизча, бир арава бўлиб чўзилиб ётибмиз.

— Ҳеч ким қарамаяптими-а? — савол берди кимдир.

— Қараяпти, — аччиғланиб зарда қилди картошка. — Бугунги воқеани кўргандирсизлар. Ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим. Уз пуштамда ернинг тагида ётганим ҳам бир давр экан.

Бугунги воқеа жуда-жуда эзворди, мени. Харидор пештахтанинг устидаги сараланган сабзавотларни кўриб:

— Ўғлим, картошкангдан 10 кило торт, — деди.

— Хозирда, — деди сотувчи йигит.

— Ие, картошканинг ярми чириган-ку, тузукроғидан тарозига қўймайсанми, болам.

— Отахон, сизга бутунини териб берсам, буёғини кимга сотаман.

— Чириганини мол ҳам емайди. Уни ахлатга ташлаш учун кўтариб бораманми? Одамлар кулмайдими?

— Истасангиз шу, ихтиёр сизда, — картошкани идиши билан тўпига отди йигит.

Харидор шикоят дафтарини сўради. Магазинчи, «мудир йўқ, шкафи қулф», деди. Хулпас, бўлди ҳангома. Шунда ўзимга-ўзим бирам хунук кўринибе кетдимки, арзимни кимга айтишни билмайман.

— Узи шўрвасига шўр тўкилганлар йиғилган эканмиз, — сухбатга қўшилди карам полвон. — Ўзим ончалик ўхшамлик бўлмасам ҳам, таъбим нозик. Авайламасам, бирпасда айнийман, қоламан. Рангим ғезариб, япроқларим тилка-тилка бўлади. Буни матлубот жамиятидагилар ҳам, савдо шоҳобчаларидагилар ҳам яхши билишади. Лекин далада бир терлашганда, меҳнат қилишганда қадримга етишарди.

Шу пайт дераза тагида қандайдир шарпа пайдо бўлди. Шитирлаган товуш эшитилди, Ҳамма жим бўлиб, ўша томонга қаради.

— Ҳа, пиёзвой, сенмисан, қўрқитвординг-ку.

— Сизларнинг хасратингиз ярамга туз сепди. Қаранглар, қимирласам етти қават тўним шилинib тушяпти. Пишитилмаган лойдек парча-парча бўлиб кетяпман. Эгатдан чиққанимга икки ой бўлмай, соч-соқолим ўзимни ўраб оляпти,

Ном, зимистонда ётавериб, қировдек оппоқ тук босган бечора сабзининг хасратидан чанг чиқади. Хонанинг нариги бурчагида нимадир оғир-оғир нафас олар, ўзича алларсаларни синиқ товуш билан гапирарди. Атрофини пих бойлаб, ғалати нусха олгандики, унинг нималигини билиш қийин эди. Шунинг учун ҳамма пашша учса билингудек тинчликни сақлаб, диққат билан тинглашди:

— Азизларим, ҳаммангизнинг ичингизда андуқ бор. Ҳис этаётган бўлсангиз, гапириш ҳам оғирлик қиляпти. Лекин, касални иситмаси ошкор қилади, дейишади. Ҳеч гап эмас, эртага акт тузиб,, мени бу ердан йўқотишар. Билганларимни айтмасам, армонда қоламан.

Атрофдагилар ёрдамга шошилишди. Кимдир бечоранинг қаддини кўтарди. У эса оғир-оғир эътикарди.

— Қулоқ солинглар, 1978 йилда давлат савдо ташкилотлари томонидан 31378 тонна картошка, 17275 тонна сабзавот, шу жумладан, 4617 тонна карам, 6960 тонна пиёз, 2250 тонна сабзи, 907 тонна лавлаги, 1564 тонна мева, 611 тонна узум, 1749 тонна полиз маҳсулотларини узоқ муддатга сақлашга жамғарилди. Область матлубот кооперацияси томонидан 8252 тонна картошка, 15666 тонна сабзавот, 1250 тонна мева, 170 тонна узум, 2160 тонна полиз неъматлари омборларга келтирилди. Бу албатта, яхши. Деҳқонлар, боғбонларнинг машаққатли меҳнатлари билан бунёд этилган ширин-шакар ёз неъматларини сақлаб, қиш бўйи халққа етказиб беришдек хайрли ишга нима етсин?! Шунинг учун миришкорлар ноз-неъматларнинг бир граммини ҳам қўймай, йиғиб-териб қўш қўллаб жўнатишди. Лекин, Олмалиқ савдо бўлимига келтирилган 3200 тонна картошканинг ҳаммаси сараланмай, аралашига тўғри омборга келди. Ҳисоб-китобга кўра ўша вақтда ҳамма маҳсулотнинг 10 процента бузилган эди. Кўп ўтмай текширилганда бу рақам 20 процентга айланди. Не машаққатлар билан етиштирилган 2100 тонна сабзавотдан 400 тоннаси нобуд бўлди. Бу ҳазилакам ҳосил эмас. Шуниси алам қиладики, ўша ерда картошка саралайдиган машина бор. Лекин унинг қачон ишлатилганлигини ҳеч ким билмайди.

— Кечирасиз, биродар, гапингизни бўламан, — гапга қўшилди лавлаги. — Тонначларни айтмай қўяқолинг. Бир қадоқ ҳосилни етказиш учун деҳқон бечора кеча-кундуз тинним билмайди. Ерга уруғ ташлайди, уни кўкартиргунча озмунча меҳнат қиладими? Бир ёқда тракторлар, қанчадан-қанча ўғит сарфланади. Йиғиб олишдаги қийинчиликларни айтмайсизми? Ахир бу кўпчиликнинг меҳнатига ҳурматсизлик-ку?!

— Хамхона, жуда топиб гапирдингиз, бундай масъулиятни ҳис этмайдиган кишиларнинг танобини тортиб қўйиш керак. Чирчиқ умумий овқатланиш трестида ҳам 400 тонна картошка узоқ муддатга сақлаш учун олиб қўйилди. Шуларда маҳсулотнинг 9,4 проценти бузилган эди. Сараланганда олам гулистон, газак олмасди. Тез орада айрим контейнерларда 37 процент картошка нобуд бўлди. Ҳамма партиядан 250 тонна маҳсулот чиқитга кетди.

Янгийўл тайёрлов конторасида 80 тонна тарвуз ва қовун ёмон аҳволда сақланаётгани учун бузилмоқда. Тезда сараланмаса улар ҳам нес-нобуд бўлиб кетади.

— Ҳақ гапни айтдингиз, биродар, — гапга қўшилди ранг-пар сабзавот. — Олимлар янги машина-механизмлар ишлаб чиқаришяпти. Деҳқончиликда илғор тажрибалар қўлланиб, мўл ҳосил етиштириляпти. Янги сабзавот корхоналари қуриш учун катта фондлар ажратиляпти. Лекин омборхоналар вақтида қуриб, фойдаланишга топширилмаётганлиги туфайли биз бечоралар аллақандай зах, совуқ жойларда қолиб, тоб ташлаяпмиз. Пискент районида 2350 тонна маҳсулот сақланадиган омбор 1978 йил декабрида ишга туширилади, дейилганида ўйноқлаб кетай деган эдик. Қурилишда бурилиш бўлмаяпти.

1978 йилнинг иккинчи кварталида Янгибозорда минг тонналик омборхона дарвозалари янги ҳосил учун кенг очилиши керак эди. Ҳалигача аҳвол чатоқ. Гапирса гап кўп. Лекин хасратимизни эшитадиган кимса топилмаяпти.

—Бор, — эшитилди бир нидо. Халқ назоратчилари ёппасига текширишяпти. Энди бир гап бўлса керак.

— Айтганингиз келсин, айбдорлар жазолансин, — деган товушлар ҳаммаёқни босиб кетди.

Б. ПУЛАТОВ.

АКТИВЛИК ОШМОҚДА

СССР Конституциясида халқ вакиллари олдига янги вазифалар қўйилди. Чунки депутатлар халкимизнинг энг муносиб вакиллари, тиниб-тинчимас захматкаш кишилардир. Буни Оҳангарон районидаги Қорахитой қишлоқ Совети депутатларининг мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловда қишлоқ Советига 80 нафар депутат сайланган эди. Улар ўтган давр мобайнида кўпгина хайрли ишларга бош-қош бўлдилар. Шу билан биргаликда ишлаб чиқаришда шахсий мехнат намунасини кўрсатдилар.

Тўлганой Қодирова «Оҳангарон» совхози 3-бўлимининг мураббий сигир согувчиларидан. У фермада 20 йилдан буён ишлаб келади. Шарафли меҳнати эвазига у «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланган. Т. Қодирова ўтган йили қарамоғидаги хар бош сигирдан 3118 килограммдан, жами 53 минг килограмм сут согиб олди. Маҳсулотнинг асосий қисмини биринчи сортларга топширди.

Қишлоқ Советининг депутати Анорбой Маматов бошқарувчи бўлган 1-бўлим хўжалигининг пешқадам коллективларидан саналади. Бўлимнинг Қ. Абдурахмонов, А. Асқаров бошлиқ бригадалари давлатга сабзавот топшириш йиллик планини ортиғи билан адо этдилар. Шунингдек, мева, узум, гўшт ва сут етиштириш план-топшириқлари ҳам бажарилди.

Депутатлар Ҳ. Деҳқонова, М. Давроновалар раҳбар бўлган 12- ва 15-ўрта мактабларда таълим-тарбия ишлари йил сайин яхшиланиб бормоқда. Бу коллективларда тўлиқ ўзлаштириш ва давомат учун кураш кетяпти. Ўқув-тарбиявий ишларнинг Қишлоқ совети сессия ва ижроия комитет йиғилишларида тез-тез кўриб борилиши ҳам бунда муҳим роль ўйнаяпти.

Қишлоқ советида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳақидаги қарорини ҳаётга тадбиқ қилиш учун курашляпти. Ҳозир бу ерда бешта кутубхона ишлаб турибди. Улардаги китоб фонди 26,5 минг, китобхонлар сони эса 2550 дан зиёддир, яъни аҳолининг учдан икки қисми зиё чашмасидан баҳраманд бўляпти. Турли бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Кўнгилли халқ дружиначиларининг ҳам асосий қисмини депутатлар ва комсомол-ёшлар ташкил этади. Жумладан қишлоқ совети депутатлари Ж. Усаров, Т. Жўраев ва Д. Норбоевлар жамоат тартибини сақлашда бошқаларга намуна бўляпти. Ҳозир мавжуд 6 та дружина штабида 50 ка яқин киши бирлашган.

Сессияларда доимий комиссияларнинг фаолиятини яхшилаш мақсадида уларнинг ҳисоботлари тинглаб бориляпти. Жумладан якинда кишлоқ хўжалик ва чорвачилик ҳамда халқ маорифи вамаданият бўйича тузилган доимий комиссияларнинг иши муҳокама этилди.

Кейинги йилларда депутатлар ташаббуси билан ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ангрен ГРЭСи ёнидаги 4 километр масофадаги йўлнинг асфальтланганлиги, 43 минг мевали ва манзарали ниҳоллар ўтказилганлигида ҳам уларнинг ҳиссаси бор. Қорахитой қишлоғида бир неча марказий кўчаларга неон лампалари ўрнатилди. Улуг Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.

Қишлоқ совети территориясидаги «Оҳангарон» совхози меҳнат аҳлининг йил сайин катта муваффақиятларни қўлга киритишларида ҳам депутатлар салмоқли улуш қўшаётирлар. Ўтган йили давлатга пландаги 4760 тонна ўрнига 5404 тонна сабзавот топширилди. Пландаги 1000 ўрнига 1500 тонна мева-чева тайёрланди. Эришилган ютуклар эвазига коллектив Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти билан тақдирланди.

— Шу кунларда депутатларимиз КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қарорларини амалга ошириш йўлида меҳнат қилаяптилар, — дейди кишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси С. Оллабердиев. — Аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ларга етарли маданий-маиший шарт-шароитлар яратиб бериш ва янгича анъаналарни тарғиб қилиш депутатларимизнинг 1979 йили иш планида ҳам асосий ўринларни эгаллайди.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СЭВНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

СОЦИАЛИСТИК ИНТЕГРАЦИЯ АМАЛДА

ЎН социалистик давлат тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши ўзининг 30 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин қайд қилганидек, биз 30 йил мобайнида экономика соҳасида товарларни ўзаро етказиб беришни оддий мувофиқлаштиришдан узоқ муддатга мўлжалланган интеграция тадбирларини биргаликда планлаштириш даражасигача кўтарилдик. 1971 йилда қабул қилинган комплекс программа ҳозирдаёқ катта самаралар бермоқда. Бу программа иқтисодий ҳамкорликни ткомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва кооперациялашни ривожлантиришни таъминлаб, муҳим объектларни биргаликда қуриш ҳамда кенгаш аъзолари бўлган мамлакатларнинг план фаолиятини мувофиқлаштириш имконини бермоқда.

Ғарбдаги «мутахассис»лар кўпинча факт ва рақамларни бузиб кўрсатиб, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо бўлган Европа мамлакатларининг экономикасини совет экономикасининг қандайдир кўшимчаси, деб кўрсатишга кўпинча уринадилар. Бунда улар ҳамдўстлик мамлакатлари ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотининг 60 процентдан кўпроғи СССР ҳиссасига тўғри келишини, мамлакатимиз территориясида нефтнинг 97 проценти, газнинг 86 проценти, темир рудасининг 98 проценти ишлаб чиқарилаётганлигини рўкач қиладилар. Уларнинг айтишларига қараганда, бу гўё «совет шартларини қабул қилдириш» имконини берар эмиш.

Ҳақиқатда эса, Совет Иттифоқининг табиий бойликлари, саноат ва илмий-техникавий потенциали миллий ривожланиш программаларини бажаришда, уларнинг ёқилғи, энергия ва хомашёга бўлган эҳтиёжларини таъминлашда қардош мамлакатларга ердам бермоқда.

«Мир» энергия системаси ҳамда «Дружба» нефть қувури ҳар йили Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши мамлакатларига 50 миллион тоннадан кўпроқ нефть ва 8 миллиард киловатт-соат электр қуввати узатиш имконини бермоқда. «Союз» газ қувури эса бу мамлакатларга йилига қўшимча равишда 15,5 миллиард куб метр табиий газ етказиб беришни таъминламоқда. Польшада чиқадиган «Трибуна люду» газетасининг ёзишича, «Союз» жуда катта саноат ва инженерлик иншооти бўлибгина қолмай, балки социалистик ҳамдўстлик халқлари интернационализми, қардошлиги ва ҳамкорлигининг ажойиб мактаби ҳамдир.

Ҳозирда Совет Иттифоқида 1950 йилда бутун дунёда ишлаб чиқарилганига тенг миқдорда электр қуввати, нефть ва цемент ишлаб чиқарилмоқда. Худди шу даврда мобайнида Польша жаҳонда энг ривожланган 10 та мамлакат сафидан ўрин олди. Ўзини ривожланган мамлакат деб ҳисоблаётган Румниянинг саноат потенциали 23 баробар ўсиб, саноат маҳсулотининг йиллик ўсиши 12 процентдан ошиб кетди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашининг барча мамлакатларида машинасозликнинг ривожланиши белгиленган суръатлардан ҳам тез бўлмоқда. Бу соҳада ихтисослашнинг чуқурлашуви натижасида ҳамдўстлик мамлакатлари ўзаро бир-бирларига етказиб беришлари ҳисобига импорт эҳтиёжларининг ярмидан кўпроғини таъминлаш имконига эга бўлдилар. Эндиликда меҳнат тақсимоти машинасозлик саноатининг салкам 6,5 минг хил маҳсулотини қамраб олади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши доирасида Совет Иттифоқи ва Польша экскаваторларнинг 95 процентини, Венгрия ва СССР автобусларнинг 80 процентини ишлаб чиқармоқда. ГДР эса пассажир вагонларининг 75 процентини етказиб беради, улар қардош мамлакатларнинг темирйўлларида қатнаб турибди. Болгария электрокар ва мотокар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда.

Эндиликда ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва кооперациялаш замонавий экономиканинг жуда кенг доирасида олиб борилмоқда. У космос тадқиқотлари ва атом электр станциялари қурилишидан тортиб, то ғалла етказиб беришгача бўлган соҳаларни қамраб олган.

Фидель Кастро социализм мамлакатлари ҳамкорлигини таърифлаб, унда оғир тушадиган бирорта талаб, хомашё орқасидан қувиш, зўр бериб фойда олишлар йўқ, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашидаги ҳамкорликни эксплуатация ва империализм «ёрдамидан» буюк фарқи худди шундан иборатдир, деб таъкидлаган эди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши бикиқ ташкилот эмас. У жаҳондаги 60 халқаро иқтисодий ва илмий-техникавий ташкилот билан алоқа боғлаган. У шунингдек, Шарқ — Ғарб йўлида савдони кенгайтиришга ҳамкорлик қилмоқда. 1977 йили Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши мамлакатлари билан «Умумий бозор» ўртасидаги савдо ҳажми 30 миллиард долларни ташкил этди.

Мазкур кенгаш ўз фаолиятининг 30 йили мобайнида ўзига аъзо бўлган барча мамлакатларнинг тез суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, халқаро меҳнат тақсимоти жараёнига тенг ҳуқуқлилик асосида бутун чоралар билан кўмаклашиш, ўзаро фойда олиш ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмасликни мақсад қилиб олган ташкилот сифатида обрў-эътибор қозонди. Социализм мамлакатлари шунга ишонадиларки, тангликнинг юмшашини моддий асосда ривожлантиришга уринаётган империализм ва реакция кучларининг бузғунчиликларига қарамай, тинчлик ва халқаро ҳамкорликни нормаллаштириш сиёсати албатта ғалаба қозонади.

В. НАКАРЯКОВ,
АПН сиёсий шарҳловчиси.

НАМИБИЯ халқи Жанубий Ғарбий Африка Халқ ташкилоти ватанпарварларини қўллаб-қувватламоқда. Намойиш ва митингларда Жанубий Африка Республикасининг иркчилари ўтказган «сайловларга қарши қатъий норозилик билдирилмоқда. Суратда: Виндхук шаҳрининг аҳолиси ватанпарварлар билан бирдамлик митингида.

АП—ТАСС фотоси.

ВСР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ НОТАСИ

ХАНОЙ, 22 январь. (ТАСС). Вьетнам Социалистик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг ВСРдаги Хитой элчихонасига топширилган нотасида бундай дейилади: Хитой томони ўтган йил декабрь ойининг охирида халқаро темир йўлда Вьетнамдан ва Вьетнамга пассажирлар ҳамда юк ташишни бир томонлама тартибда тўхтатиб қўйди. Бу Хитойдаги ҳукмрон доираларнинг Вьетнамга қарши қилаётган душманлик ҳуружларининг яна бир қисмидир. Вьетнам бундай ҳаракатларни қаттиқ қоралайди.

Хитой томони поездлар қатновини тўхтатиш билан бир қаторда чегарадаги темир йўл участкасида доим игвогарлик қилиб, қон тўкилишига сабаб бўлмоқда. Бу билан бирга Хитойнинг ҳукмрон доиралари, деб таъкидлаб ўтилади нотада, бу масала юзасидан Вьетнам шаънига уйдирмалардан иборат тухмат гапларни айтмоқдалар, қорани оқ деб кўрсатиш билан мазкур районда, шунингдек Вьетнам — Хитой чегарасидаги бошқа районларда ўз жиноий ҳаракатларини яширишга интилмоқдалар.

ВСР ташқи ишлар министрлиги, дейилади нотада, Хитой ҳукмрон доираларининг қабих душманлик ҳаракатлари ва ниятларини қатъиян фош қилади. Бундай ҳаракатлар Вьетнам халқи учун қийинчиликлар вужудга келтиради. Вьетнамнинг суверенитети ва территориал бутунлигига ҳамла қилиб чегара районларида ВСРнинг осойишталигини хавф остида қолдиради.

Хитой томони Вьетнамга нисбатан ана шундай душманлик ҳаракатларини дарҳол тўхтатиши, халқаро темир йўлда ҳамкорлик тўғрисида биргаликда тузилган битимларни ҳурмат қилиши, Вьетнам ва Хитой ўртасидаги участкада халқаро темир йўлнинг нормал ишлашини тиклаши лозим. Хитой томони, деб уқтириб ўтилади ҳужжатда, номақбул ҳаракатларининг барча огир оқибатлари учун тўла жавобгар бўлиши керак.

РАЗИЛ БЎҲТОН

ВАШИНГТОН, 22 январь. (ТАСС). Ўнг матбуот Кампучия ишларига «ташқаридан аралашув» тўғрисида энг ақл бовар қилмайдиган уйдирмаларни тарқатмоқда. Чунончи, бу ердаги доираларда Кампучияда Пол Пот қўшинлари тўё бир неча совет, шунингдек кубалик ҳарбий маслаҳатчиларни асирга олдилар, деган ўз характери жиҳатидан раванлона бўҳтон гап оғиздан-оғизга кўчиб юрибди.

Бу гапларнинг ҳаммаси хитойлик тўҳматчилар тарқатаётган игвогарлик мишмишлардан бошқа ҳеч нарса эмас, чунки Кампучияда на совет, на кубалик ҳарбий маслаҳатчилар бўлган эмас ва йўқ. Бундай даъволарни муайян доиралар Кампучия ишларига Совет—Куба «аралашуви» деб аталган ёлғон миш-мишни тарқатиш учун тўқиб чиқармоқдалар. Булар азалдан маълум сохтакорлик бўлиб, унинг орқасида кимлар тургани яхши аёндир.

ЭРОН—ҚУШ ҲОКИМИЯТЧИЛИК ШАРОИТИДА

ПАРИЖ, 22 январь. (ТАСС). Шоҳ тайинлаган Эроннинг ноиблик кенгаши раиси Теҳроний бу ерга келиб, шу лавозимдан истеъфога чиқишини айтди. У Франс-Пресс агентлиги мухбирига Эрон пойтахти ва бошқа шаҳарларида яқинда бўлиб ўтган оммавий намойишлар сабабли кенгаш фаолиятида «қийинчиликлар» чиққани сабабли шу қарорга келганини айтди.

Теҳроний бу ерда муҳожирликда яшаб турган Эрон мусулмон оппозициясининг раҳбари оятулло Хомейни билан музокара ўтказиш учун Парижга келди. Обзорчиларнинг фикрича, унинг ўз истеъфосидан Хомейнини хабардор қилганлиги факти Теҳронийнинг реал мавжуд ҳокимият вакили деб бош министр Бахтиёрни эмас, балки Хамейнини эътироф қилганидан далолат беради.

Эрон парламенти иккала палатаси — мажлис ва сенат раислари ҳам Парижга келиб, Хомейнининг парламент депутатларини истеъфога чиқишига қилган даъвати устида у билан музокара ўтказмоқчи эканликлари хабар қилинди. Эрон қонун чиқарувчи олий органининг 20 га яқин аъзоси шу даъватга қулоқ солиб, истеъфога чиққани маълум.

Шоҳ Эрондан жўнаб кетганидан кейин вужудга келган вазият бениҳоя мураккаб ва қалтис бўлиб турибди. Аслида Эронда ўзига хос қўш ҳокимиятчилик мавжуд. Шоҳ тайинлаган, аммо омманинг мададига эга бўлмаган Бахтиёр ҳуқуқлари Эроннинг идора қилишмиз, деб даъво қилишигина мумкин. Иккинчи томондан шоҳга қарши ҳаракат раҳбарлари теварагида жипслашган кенг халқ оммаси мамлакатдаги воқеалар ривожида кўп жиҳатдан белгиловчи роль ўйнамоқда. Армия раҳбарлари эса ҳозир халқ ғалаёнларини бостириш учун кенг миқёсда куч ишлатишга ботинмай, пайт пойлаш позициясида турибдилар.

Диний оппозиция «Ислом революцион кенгаши»ни тузишни ниҳоясига етказмоқда. Жумладан, миллий фронт раҳбарлари бўлган ва Хомейнининг «Ислом революцион кенгаши» «сэсёй характерда бўлмасин» деган талабига мувофиқ фронт раҳбарлиги составидан вақтинча чиққан К. Санжобий билан Д. Форухор шу кенгашнинг аъзолари бўлишга розилик билдирдилар.

Эроннинг бир қанча жойларида аҳоли маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини тузмоқда. Расмий жиҳатдан ҳозиргача ҳарбий ҳолатда турган Кум шаҳрида 19 январдан бошлаб шаҳарликларнинг ўз ҳокимияти ўрнатилди. «Теҳрон журнал» газетасининг хабар қилишича, ҳеч қаерда танклар, бронетранспортерлар ва ҳарбий патруллар кўринмаяпти, ҳатто кўча ҳаракатини ҳам қўнгилли полиция тартибга солиб турибди.

Иш ташлаган ишчи ва хизматчилар тузган ҳамда 45 га яқин энг муҳим министрлик, муассаса ва компанияни бирлаштирувчи «Эрон давлат ва жамоат ташкилотларини мувофиқлаштирувчи марказий кенгаш» тўла ғалабага эришилгунча, яъни мамлакатда республика ҳокимияти ўрнатилгунча иш ташлаш ва намойишларни давом эттиравериш ниятида эканлигини маълум қилди. Бу ерда эълон қилинган баёнотда кенгаш шоҳнинг ноиблик кенгашини ва шоҳ тайинлаган ҳукуматни ағдариб ташлашга чақирди.

Сиёсий кузатувчилар ишонч билан айтишларича, Хомейнининг 28 январда Теҳронга қайтиб келиши томонларнинг ниятлари учун имтиҳон бўлади. «Орор» газетасининг ёзишича, унинг қайтиб келиши Бахтиёр учун «мушкул муаммо» вужудга келтиради, чунки ҳозирги кабинетни супуриб ташлаши лозим бўлган ҳукумат киришилади. Газета «ҳунрезлик ва тартибсизлик чиқиш хавфи бор» деб ёзиб, армия қўмондонлиги бунинг манбаи бўлиши мумкинлигини уқтиради. «Юманите» газетаси эса «АҚШ оппозицияни Бахтиёр ҳукумати билан келиштириш мақсадида тазйиқ ва пўписа қилмоқда» деб уқтиради. «АҚШ Эрон ишларига тобора ошкора аралашиб, оппозицияни ҳарбий тўнтариш қилиш билан бевосита чўчитмоқда» деб таъкидлайди газета.



Афғонистон Демократик Республикаси. Совет Иттифоқининг ёрдами асосида бунёд этилган Наглу электростанцияси мамлакатда энг йирик иншоотлардан биридир. Мазкур гидроэлектростанциянинг ишга тушириллиши билан на фақат пойтахт, шунинг билан бирга унга туташ районлар ҳам электр қувватидан баҳраманд бўлди. Суратда: Наглу ГЭСининг турбина залида.

ЧИЛИ. Сантьяго яқинида ўнларча ватанпарварлар қатл этилган яширин қабристон аниқланди. Маълумки, давлат тўнтариши рўй берган 1973 йилнинг сентябрида Пиночет хунтаси минг-мингдаб кишиларни ҳибсга олиб, кейинчалик вахшийларча уларни ўлдирган эди. Суратда: аёллар сирли равишда ғойиб бўлган ўз қариндош-уруғларининг суратларини бозор майдончасида намойиш этмоқдалар.

АДН—ТАСС фотохроникаси.

МУХБИРЛАР САФИ ЎСМОҚДА

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Коммунизм тонги» газетаси хузуридаги ишчи-деҳқон мухбирлари университетини навбатдаги 16 киши тамомлади.

Ёш мухбирлар ўқув жараёнида Ленининг журналистик фаолияти, матбуотнинг ленинча принциплари, КПСС XXV съезди қарорлари асосида ишчи-деҳқон мухбирларининг вазифалари, КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини амалга оширишда ишчи-деҳқон мухбирларининг роли, матбуотга партиявий раҳбарлик ва бошқа мавзулардаги лекция ва докладларни тингладилар.

Ўқув даврида ишлаб чиқариш илғорлари ва олимлар билан учрашувлар ҳам уюштирилди, тингловчилар иштрокида рейдлар, очиқ летучкалар ўтказилди. Уларнинг натижалари, фикр ва мулоҳазалари, тингловчиларнинг диққатга сазовор амалий ишлари практик машғулотларда муҳокама қилинди.

Ҳозир университет совети янги ўқув йили учун тингловчилар қабул қилишни давом эттирмоқда.

Қ. ЙЎЛДОШЕВ.

Виктор Нишченко Тошкент агрегат заводининг илғор ишчиси. У айни кунларда келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

А. Палехов фотоси.

АГИТПУНКТДА СУҲБАТЛАР

Киров районидаги Г. Димитров номли 9-мактабга жойлашган 5-сайлов участкаси шинам қилиб безатилган. Бу ерда ташкил қилинган сайловчилар ҳонасида газета-журналлар, сиёсий, бадиий китоблар, шахмат-шашка, радио, турли беш йиллиқларни кўрсатувчи диаграммалар, сайловдан-сайловгача маорифимиз эришган ютуқлар ҳақида материаллар бор. Хуллас, бу ерга ташриф буюрган сайловчиларнинг зериқиб қолмасликлари учун бор имкониятлар ишга солинган.

Сайловга тайёргарликни авж олдириб юбориш мақсадида мактаб ўқитувчилари, тамаки фабрикаси ишчиларидан иборат 48 агитаторни уюштирган агитаторлар группаси тузилди. Улар сайловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, СССРдаги сайлов системасининг дунёда энг демократик адолатли система эканлиги, Л. И. Брежневнинг «Тикланиш», «Кичик ер», «Қўриқ» асарларини тушунтириш юзасидан лекциялар, суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Ишчан агитаторлардан Д. Ўрмонова, И. Турانқулова, Ў. Пирматовалар ўтказаётган суҳбатлар мароқли бўлмоқда.

— Сайлов участкасининг планида сайловчилар ҳамда номзодлар билан учрашув, ёш сайловчилар билан суҳбат, концерт кўрсатиш тадбирлари ишлаб чиқилган, — дейди агитпункт мудири коммунист К. Қаюмов биз билан суҳбатда.

С. СУЛТОНОВ.

Саломатлик посбонлари

Баҳри хола ҳар куни барвақт турар, тоза ҳавода айлангач, одатдаги уй-рўзғор ишлари билан банд бўларди. Бугун эса эрта тонгдан ўзини негадир нохуш ҳис қилди, унинг боши қаттиқ оғирди.

Баҳри хола кўпдан бери кўзининг хиралашиб бораётганини ҳис қиларди. Лекин ўтиб кетар деб, эътибор бермади. Охирги кунларда аҳволи энча оғирлашди. Мана бугун...

Онахон поликлиника томон йўл олди. Тажрибали врач Зуҳра Зиямуҳамедова бемор билан батафсил суҳбатлашгач, кўзида босим бўлиши эҳтимоллигини айтди.

— Яқинда дўхтирлар кўриб кон босимингиз йўқ дейишганди, — деди Баҳри хола хўрсиниб.

— Энди кўзингизнинг босимини ўлчаб кўрамиз, — деди шифокор.

Уни «Дастлабки медицина ёрдами» кабинетига бошлаб киришди. Баҳри холанинг кўзида босим ошиб кетганлиги аниқланди. Шифокорларнинг ёрдами билан бемор дардига даво топди. Кўп ўтмай аёлнинг кўзи аввалгидек равшанлашди.

Ҳақиқатан ҳам Октябрь районидаги 22-поликлиника-шифокорлари эл саломатлиги йўлида намунали ишларни амалга оширмоқдалар.

Бундан бир неча йил муқаддам Маҳмуджон Ҳамидов бош врач бўлиб келганида поликлиника кўримсиз, кичик бинога жойлашган эди. Бош врачнинг ташаббуси билан қўшимча хоналар қурилди, медицина кабинетлари очилди, керакли асбоб-ускуналар келтирилди. Врачларнинг тажриба ва маҳоратларини ошириш бўйича кўп ишлар амалга оширилди.

Вақт ўтиши билан шифохона аҳолига хизмат кўрсатишга тоблик қилиб қолди. Унда янги кабинетлар очиш учун хоналар етишмасди. Маҳмуджон ака бу борада маҳалла активлари билан маслаҳатлашиб кўрди. Маслаҳатли тўй тарқалмас деганларидек, кўпчиликнинг талабига кўра поликлиникага янги бино берилди. Дид билан безатилган янги бинода 150 дан зиёд шифокор аҳолига медицина хизмати кўрсатаяпти. Рентген, физиотерапия кабинетлари ва бир нечта лабораториялар ишлаб турибди.

Поликлиника шифокорлари касалликнинг олдини олиш учун маҳаллаларда, мактаб ва корхоналарда медицина мавзуида лекция ва суҳбатлар ўтказиб турадилар.

Маҳалла аҳлининг таклиф ва истакларига кўра шу йилнинг ўзида поликлиникада иккита янги кабинет ташкил этилди.

«Дастлабки медицина ёрдами» кабинети ишга тушгандан кейин беморларга анча қулайлик яратилди. Бу кабинетда бемор дастлабки кузатишдан ўтказилади, қон босими ўлчанади, тегишли врачга йўлланма берилади. Текширув лабораторияларига йўлланмалар тайёрлаш каби ишлар ҳам шу кабинетда бажарилади.

Бу ерда, айниқса кўзнинг қон босимини ўлчаш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Шу кабинет ёрдамида кўзлари ожиз бўлиб қолиш хавфи бўлган кўпгина беморлар ўз дардларига шифо топдилар.

А. ҲОЛИҚОВ.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БУДАПЕШТ. Шу кунларда Венгриядаги касаба союз шифохоналарида неча ўн минглаб меҳнатчи дам олмоқда. Бу йил касаба союзларининг йўлланмалари билан республика ва завод дам олиш уйларида ҳамда пансионатларда Венгрия гражданларидан 1,2 миллионга яқин киши ҳордиқ чиқаради.

Венгриянинг кўп меҳнаткашлари аввалги йилларгидек бу йил ҳам ўз отпускаларини социалистик мамлакатларнинг касаба союз шифохоналарида, шу жумладан Совет Иттифоқи курортларида ўтказади. Венгриядаги дам олиш уйлари ҳам бир қанча қардош мамлакатлардан келадиган меҳмонларни кутиб олади.

ЛОНДОН. Кейинги йил мобайнида Англия пойтахтида уй-жой ҳақи бир ярим баравар ошди. Мамлакатда уй-жой ҳақи ўрта ҳисобда 30 процентдан зиёд кўпайди. 50 минг оила ҳар йили бошпанасиз қолмоқда. Англия ва Уэльсдагина 900 минг оила расмий жиҳатдан яроқсиз деб топилган уй-жойларда истиқомат қилмоқда. Яна бир миллионга яқин квартира эгаси оддий қулайликлардан ҳам маҳрум этилган. Айни вақтда Лондоннинг бир ўзидагина 60 минг бўмбўш уйлар бор, умуман олганда, мамлакатда бундай уйларнинг сони 700 мингтага етади. Квартира ҳақининг ҳаддан ташқари кўплиги, уйлар нархининг ошиб кетганлиги жуда муҳтож бўлган кишиларни уй-жой билан таъминлаш имконини бермайди.

ЛИМА. Перу ҳукумати Чили элчиси Франсиско Бульнеснинг мамлакатда туришини номақбул деб эълон қилди ва унга мамлакатдан дарҳол чиқиб кетишни тавсия этди. Айни вақтда Перу ҳукумати Перунинг Чилидаги элчиси генерал Гильермо Арбулу Гальианини чақириб олди.

Бу ҳақдаги қарорлар Перу министрлар кенгашининг шу ерда ўтказилган фавқулодда мажлисида қабул қилинди. Мажлисда Пиночет агентларининг жосуслигига доир кўп фактлар кўриб чиқилди.

Перу ҳарбий ҳаво кучларининг собиқ офицери Хулио Варесу Чилидаги ҳарбий фашист режим фойдасига жосуслик қилиб келган эди. Перу ҳукумати ҳарбий трибунал томонидан унга чиқарилган ўлим ҳукмини тасдиқлади.

ЖАЗОИР. Жазоир давлати бошлиги вазифасини ижро этувчи Р. Битатнинг кеча имзоланган декретига мувофиқ, Жазоир Халқ Демократик Республикаси президенти сайлови шу йил 7 февралда ўтказилади. Жазоир конституциясига мувофиқ миллий озодлик фронти партиясининг съезди бу лавозимга номзод кўрсатади. Партиянинг съезди 27 январда очилади.

(ТАСС, 22 январь).

УЛАР „АРТЕК"да ДАМ ОЛИШАДИ

Пионер ва ўқувчилар пахта йиғим-теримининг дастлабки кунларидаёқ «оқ олтин» операцияси республика штабининг чақиригига «Лаббай!» деб жавоб бердилар ва Ўзбекистоннинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар.

Яқинда Ўзбекистон Комсомоли Марказий Комитети секретариати 1978 йилги «оқ олтин» операцияси ғолибларини, унинг энг актив қатнашчиларини Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда Бутииттифоқ пионерлар лагери — «Артек»ка йўлланма билан мукофотлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мукофотланганлар орасида Тошкент областининг ёш пахта теримчилари ҳам бор. Булар Коммунистик районидаги 6-мактаб, Чиноз районидаги Бобир номли мактабларнинг ўқувчилари, ишлаб чиқариш бригадалари аъзолари ҳамда Янгийўл шаҳридаги 17-мактаб пионер дружинасининг илғор ўқувчиларидир.

Улар яқинда Қора денгиз соҳилидаги «Артек»да дам олгани боришади.

С. ҒАФУРОВ.

КИНОЧИЛАР УЙИ

Шу кунларда қурувчилар яна бир кўркам бинони яратишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон кўчасида қад кўтарадиган комплексга республика киночиларнинг уйи жойлашади. «Ташгипрогор» институтининг мутахассислари киночилар уйи комплекси лойиҳасини яратдилар.

Лойиҳа бўйича бу ерда 950 ўринли томоша зали, 200 ўринли болалар зали бўлади. Комплексда бундан ташқари кутубхона, кўргазма зали, ресторан ва бошқа маъмурий хоналар ҳам ўрин олган.

КИЧКИНТОЙЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Яқинда бинокорлар Юнусобод массивида фойдаланишга топширилган бинога 5-болалар поликлиникаси кўчиб ўтди. Поликлиниканинг физиотерапия бўлими, диагностика лабораторияси, катта ёруғ даволаш хоналари бор. 200 дан ортиқ шифокор мингга яқин болага хизмат кўрсатишяпти. Улар атрофдаги ўндан ортиқ мактаб, 30 га яқин боғча-яслини ўз оталиғига олишган.

Юнусобод массивида ишга туширилган 2-болалар стоматология поликлиникаси хизматидан ҳамма хурсанд. Йил давомида шаҳримиздаги бошқа турар-жой массивларида ҳам болаларни даволашга ихтисослашган яна бир қатор шифохоналар фойдаланишга топширилади.

М. ЗАРИПОВ.

ЁШЛАР БИЛИМ ЮРТИ

Ёшларнинг ўқиб билим олиши, ҳунар эгаллашида ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари катта роль ўйнамоқда. Оққўрғон районида ҳозиргача ана шундай битта билим юрти мавжуд эди. Яқинда район марказида иккинчи — 189-СПТУ очилди.

Билим юртида ўқувчиларга умумий-таълим бериш билан бирга дурадгор, буёқчи, сувоқчи, ғишт терувчи, пардозловчи, дастгоҳда ишловчи слесарлар тайёрланади. Бу ерда ўқувчилар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Т. ЗОКИРОВ.

Тошкентдаги В. И. Ленин номли пионерлар саройида ганч ўймакорлиги тўгарагида мунтазам машғулотлар олиб борилмоқда. Тўгаракнинг 70 аъзоси бу ажойиб миллий ҳунар сирларини қунт билан ўрганмоқда. Суратда: тўгарак аъзолари А. Усмонов, Н. Мансуров, тўгарак раҳбари Х. Абдуллаев, М. Азизовлар машғулот пайтида.

Х. МИРЗАКАРИМОВ фотоси.

ЎРТА ЧИРЧИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚИШЛОҚДА РЕСТОРАН

Яқинда «Янги ҳаёт» поселкасида 100 кишига хизмат қиладиган «Ширин» ресторани ишга тушди. Ресторан янги мебеллар билан жиҳозланган.

ФАБРИКА ЧЕВАРЛАРИ

Тўйтепа тикувчилик фабрикаси дирекцияси, партия ташкилоти ва касаба союз комитети ишчи-хизматчиларнинг фарзандларига ғамхўрликни кучайтирмоқдалар. Яқинда фабрика маблағига 90 ўринли болалар боғдаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

ШАҒАЛ ЎРНИГА ТУПРОҚ

«Водиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент темир-бетон буюмлари заводида керамзит-бетондан сув иншоотлари учун турли маҳсулотлар тайёрланмоқда. Керамзит-бетон мустаҳкам, об-ҳаво ўзгаришларига чидамли. Унинг яна бир афзаллиги шундаки у енгил. Керамзит-бетон кўпчийдиган тупроқдан тайёрланади. Шу сабабли кўплаб цемент иқтисод қилинади.

Корхона кунига 19 куб метр керамзит-бетон тайёрлаяпти. Бу енгил қурилиш материали ишлаб чиқариш бу йилда янада кўпайтирилади.

ҚУРУВЧИЛАР КИНОСТУДИЯСИ

«Ўзстройменханизация» трестининг 16-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари ўз киностудияларига эга бўлишди. Техника хавфсизлиги инженери Л. М. Шинкин студияга раҳбарлик қилмоқда.

Ҳаваскорлар техника хавфсизлиги бўйича бир нечта фильмни суратга олдилар. Ленталар қурувчиларга намойиш қилинди.

УЙЛАР МУБОРАК

«Водспецремонт» трести қурувчилари 32 квартирали турар жой биносини фойдаланишга топширдилар. Бектемирликлар янги йил арафасида янги уйга кўчиб ўтдилар.

Ж. ҚУРБОНБЕКОВ.

УКРАИНАДАН ХАТ

ЎЗБЕК ЖАНГЧИСИНИНГ ДОВРУҒИ

МУТАХАССИС олимлар ҳисоблаб чиқишса, инсоният тарихидаги сўнгги беш минг йил ичида бор-йўғи 300 йил урушсиз ўтган экан. Бу давр мобайнида планетамизда 14 минг катта-кичик урушлар бўлиб, 3,5 миллиард одамнинг ёстиғини қуритган. Неча-неча мутафаккирлар, буюк алломалар тинчлик, тенглик, биродарлик ҳақида орзу қилиб, бу йўлда жонларини фидо этишган бўлса-да уруш давом этарди. Айниқса, сўнгги иккинчи жаҳон уруши инсоният бошига кўп кулфатлар солдики, унинг оқибатлари ҳанузгача ўзини эслатиб туради.

Биз беҳуда қон тўкмадик. Ўз фарзандлари, ота-онаси, қайлиқлари, қариндош—уруғлари ва она-Ватан олдида муқаддас бурчини адо этиб ҳалок бўлган йигитларимиз қонлари беҳуда кетгани йўқ.

Улар бугунги, осойишта кунимиз нафасида, ёш авлод хотирасида ўзларининг иккинчи умрларини яшамоқда. Уларнинг жасоратлари эса тилдан-тилга кўчмоқда.

Йиллар оша мардлик достонига айланиб эл қалбида мағрур янграмоқда.

Куни кеча генерал-майор Собиржон Охунжонов номига Украинадан келган хатни ўқиганимда ана шундай фикрлар беихтиёр ёдга келди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, жангчи қаҳрамонларимиз учун кўпгина ҳайрли ишлар қилаётган Собиржон ака-га генерал-полковник И. М. Манагаров йўллаган мактубида ўзбек жангчиларининг жасоратини тилга олади. Оловли йилларда 53-армияга қўмондон бўлган бу жанговар генерал хатига илова тариқасида Харьков шаҳридаги «Прапор» нашриёти чоп этган китобини ҳам юборибди. Г. К. Жуков, И. С. Конев, Р. Я. Малиновский каби атоқли совет саркардалари билан жанговар операцияларда учрашган Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. М. Манагаров шахсан кўрган, билган қаҳрамонлар қатори ўзбек солдат ва офицерлари жасорати ҳақида ҳам ҳаяжонли сатрлар ёзган. 684-артиллерия полки командири майор Ш. К. Аҳмаджоновнинг моҳир раҳбарлиги, шахсий жасурлиги, мардона фазилатларини у бир неча бор таъкидлаб ўтади.

— Армиямизда елкама-елка туриб жанг қилаётган рус ва украин, ўзбек ва белорус, қозоқ ва грузин, арман ва татарлардан иборат қисмлар кўп эди, — деб ёзади муаллиф,— 84-ўқчи дивизияда масалан шахсий составнинг учдан бирини ўзбеклар ташкил қилардилар.

382-ўқчи полкида йигирма ёшли Иброҳим Назаров снайпер сифатида донг чиқарган эди. Унинг тўрт акаси ҳам фашистлар додини берарди. 41-полкда эса кичик сержант Яраш Жабборов пулемётчи эди. У Қизил Армияда 1926 йилдан хизмат қилиб икки йил Қорақумда босмачилар билан олишган. Сержант Гадойбой Шарипов жангчиларнинг сафларини қириб ташлади, иккитасини асир олди. Жанглардаги мардлиги ва жасорати учун сержант Мустафоев «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

Коммунист Қизил Армиячи Карим Аҳмедов Харьков остонасидаги жангларда танкка қарши қурол билан икки душман танкини ишдан чиқарди. Қаҳрамон бронебойчи Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

Пулемётчи Ражаб Худойбердиев душман қайта ҳужумини қайтаришда олға интилиб пулемётдан ўт очган ҳолда душман пиёдаларини танклардан вимли агитатори эди. Самарқанд область Каттақўрғон районидаги колхозлардан бирида бригадир бўлган Мамат Тўхтаев 84-ўқчи дивизияда уч ака-укалари билан жанг қиларди.

Генерал-полковник И. М. Манагаров «Харьков учун жангларда» деб номланган ушбу китобида яна кўпгина диққатга сазовор фактлар келтиради. У 84-Харьков ўқчи дивизияси сиёсий бўлими бошлиғи полковник Манохиннинг 1943 йил 24 августда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ва ЎзССР Олий Совети Президиумига йўллаган мактубидан сатрлар келтирган.

— Дивизиямиз немис-фашист босқинчилари билан жанг қилиб 45 аҳоли яшайдиган пунктни озод қилди... Ўзбек халқининг содиқ фарзандлари елкама-елка туриб душман билан жанг қилишмоқда. Бўлинма командири сержант Абдурраҳмон Мустафоев жангларда бирида ярадор бўлган взвод командири ўрнини босиб взводни ҳужумга бошлади. Бу жангда Мустафоев яраланса ҳам жанг майдонидан кетмади. Взвод душман қўлидаги маррани эгаллаб 20 гитлерчини ер тишлатди. Худойбердиев ярадор бўлса ҳам жанговар вазифани бажараверди. Немислар ҳужуми барбод этилди.

Қизил армиячи Тўла Ашуров ўз бўлинмаси билан душман орқасига ўтиб бир взводгача гитлерчиларни қириб ташлади. Жанговар вазифасини ҳеч қурбонсиз адо этган ҳолда ўз қисмига қайтди.

«Биз, — деб таъкидлайди полковник Манохин, — ўзбек халқининг мард-майдон ўғлонлари билан фахрланамиз. Офицер Бакиров, катта сержант Равшанов, кичик сержант Рўзиқулов, қизил армиячи Шарипов, Назаров, Пўлатов, Отажонов, Нурмуҳамедов, Ҳамроев, Усаров каби жанговар жасоратлари билан Қизил Армия, ўз халқи, ўз Ватани куч-қудратини шоншуҳратга буркаганлар билан фахрланамиз.

Биз сизларга, қадрли ўртоқлар, немис босқинчилари билан кураш фронтида қаҳрамонона жанг қилаётган матонатли ва довюрак жангчиларни муносиб вояга етказганингиз учун миннатдорчилик билдирамиз».

И. М. Манагаров китобида ана шундай кўп фактларни келтиради. «Красний воин» дивизия газетасининг бир соажратиб 27 гитлерчини ер тишлатди. Худойбердиев ярадор бўлса ҳам жанговар вазифани бажараверди. Немислар ҳужуми барбод этилди.

Қизил армиячи Тўла Ашуров ўз бўлинмаси билан душман орқасига ўтиб бир взводгача гитлерчиларни қириб ташлади. Жанговар вазифасини ҳеч қурбонсиз адо этган ҳолда ўз қисмига қайтди.

«Биз, — деб таъкидлайди полковник Манохин, — ўзбек халқининг мард-майдон ўғлонлари билан фахрланамиз. Офицер Бакиров, катта сержант Равшанов, кичик сержант Рўзиқулов, қизил армиячи Шарипов, Назаров, Пўлатов, Отажонов, Нурмуҳамедов, Ҳамроев, Усаров каби жанговар жасоратлари билан фахрланамиз.

Биз сизларга, қадрли ўртоқлар, немис босқинчилари билан кураш фронтида қаҳрамонона жанг қилаётган матонатли ва довюрак жангчиларни муносиб вояга етказганингиз учун миннатдорчилик билдирамиз».

И. М. Манагаров китобида ана шундай кўп фактларни келтиради. «Красний воин» дивизия газетасининг бир сонинги лейтенант Аюпов, сержант Мамадиёров, оддий аскар Ғофуров ўзбек тилида чиқаришгани, ҳарфларни эса Абдуғани Ҳасанов тергани ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Уша оғир синов даври 1943 йилда фронтда, бевосита окопларда ўзбек тилида, ўз она тилида дивизия газетасини ўқиган ўзбек жангчилари қандай ҳаяжонга тушганларини эслатиб ўтади.

Муаллиф 1943 йил 15 ноябрдан 1 декабргача 53-армия қисмлари жангчиларига концертлар уюштирган Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек филармонияси хотин-қизлар ансамбли фаолиятига юксак баҳо беради. Армия Ҳарбий Кенгашининг Роза Баглановa, Сима Орзуманова, Коммуна Исмоилова, Раима Ҳакимова, Шарофат Оқилова, Ғофир Азимов, Фахритдин Содиков каби ансамбль артистларига ҳамда унинг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Раҳимовага махсус буйруқ асосида ташаккурнома билдирганини таъкидлаб ўтади.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони И. М. Манагаров Ўзбекистон ССР граждан мудофаси штаби бошлиғи генерал-майор Собиржон Охунжоновга йўллаган шахсий мактубида бу фактни эслатиб шундай ёзади:

— Ҳурматли Собир Собировичи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Раҳимовани топишга ёрдам беринг. Ансамбль клублар ёмаданият саройларида эмас, балки жанговар қисм ва бўлинмаларнинг олдинги марраларида томошалар кўрсатган. Кўпинча артистлар тўп ўқлари ва бомбалар остида қолишарди. Билмадим, улардан қайси бирлари ҳозирда ҳаёт. Агар Гавҳар Раҳимова ҳаёт бўлса, мен унга ўз китобимни юбораман. Ўз жанговар йўлини яна эсласин.

Хулоса қилиб айтганда, истеъдодли генерал-полковник, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 53-армиянинг собиқ қўмондони И. М. Манагаров китоби барча совет кишилари қатори ўзбек халқи фарзандларининг Улуғ Ватан урушидаги жасорати солномасига янги сатрлар қўшганлиги билан фахрлансак арзийди. Бу ўзбек жангчисининг йиллар оша етиб келаётган довруғидир. Беихтиёр жангчи шоир Назарматнинг ўша оловли йилларда битган мисраси ёдга тушади.

Элда қолди у марддан нидо
Жасоратли қалбдан кўчган ун
Мангу мардлик бўлиб учган ун
Эслайдилар бизни доимо!

Ҳа, эслаймиз, қадрлаймиз. Чунки биз халқ бахтини қуйлаган, унинг эрки учун курашганларни унутмаймиз.

Ҳамдам СОДИҚОВ.

Спорт

МЕРГАНЛАРНИНГ БАХСИ

Камондан отиш бўйича Москва шаҳар биринчилиги мусобақасида мамлакатимизнинг энг кучли мерганлари иштирок этдилар. Аёллар бахсида республикамизнинг икки вакили Наталья Бутузова билан Ольга Рогова ҳам қатнашдилар.

Эркаклар бахси ниҳоятда кескин ўтди. Бунда асосан меҳмонлар пешқадамлик қилишди ва мамлакат рекордлар жадвалига бешта ўзгартиш киритишди. Харьковлик Геннадий Кириченко 90 метрдаги нишонни мўлжалга олишда 304 очко тўплади. Европа чемпионатининг кумуш совриндори бокулив Владимир Максимов бир йўла учта рекорд автори бўлди.

Аёллар мусобақасида биринчи қатнашчи қўш ғалабага эришолмади. 70 метрга бўлган бахсда аввалига Кетеван Лосаберидзе пешқадамлик қилди. Қолган масофаларда эса иркутсклик Лидия Шикота ва ҳамшаҳарларимиз Ольга Рогова билан Наталья Бутузова ғолиб келишди. М-1 машқида Н. Бутузова 1261 очко тўплаб якка пешқадам бўлди. Тбилисилик К. Лосаберидзе спортчимизга 4 очко ютқазиб иккинчи ўринни олди.

«ЁШЛИК» СОВРИНИ УЧУН

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» спорт аренаси соврини учун ҳар йили январь ойида енгил атлетикачиларнинг мусобақаларини ўтказиш одат бўлиб қолган. Бу сафар ҳам аввалига қизлар ва ўсмирлар куч синашдилар. Кейин эса катталар бахслашишди. 60 метрга бўлган югуришда 6,4 секунд натижа кўрсатган Пётр Воробьёв ғолиб келди. 400 ва 800 метрга югуришда эса З. Ахтямова-Зайцева биринчи бўлди, 110 метрга тўсиқлар оша югуришда тошкентлик Александр Берштейн маррага биринчи бўлиб келди. «Меҳнат» жамияти вакилининг кўрсатган вақти — 14,2 секунд. Лангар билан сакрашда 4 метр 40 сантиметр баландликдан ошиб ўтган Ҳасан Умаров программанинг бу турида ғолиб келди. Узунликка сакрашда эса 7 метр 28 сантиметр натижага эришган Сергей Аникинга тенглашадиган спортчи топилмади.

ҚЎШ ҒАЛАБА

«Бинокор» навбатдаги учрашувларни ўз майдонида Пензанинг «Дизелист» командаси билан ўтказиб, иккала ўйинда ҳам ғолиб келди. Биринчи учрашувда 7:4 ҳисобида ғалабага эришган тошкентликлар такрор ўйинда 4:3 ҳисобида устун келишди ва очколарини 46 тага етказиб, кучли олтиликдан ўрин олиб туришибди.

Пойтахт хоккейчилари навбатдаги учрашувларни ҳам ўз майдонларида 25 ва 26 январда Челябинскнинг «Металлург» командаси билан ўтказадилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/II да — СЕВГИ ҲАҚИДА ҚИССА.
2/II да — АННА КАРЕНИНА.
3/II да — ФЛОРИЯ ТОСКА.
4/II да — ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ШАМЧИРОҒИ (12.00), СПАРТАК (19.00).
6/II да — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
7/II да — КОРСАР.
8/II да — ДИЛОРОМ.
9/II да — ЖИЗЕЛЬ.
10/II да — АИДА.
11/II да—МАНГУЛИК (12.00), БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР (19.00).
13/II да — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
14/II да — АФСОНАЛАР ВОДИЙСИДА.
15/II да — ТРАВИАТА.
16/II да — ОҚҚУШ КЎЛИ.
17/II да — ПИКОВАЯ ДАМА.
18/II да — БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР (12.00), РИГОЛЕТТО (19.00).
20/II да — МАЙСАРАНИНГ ИШИ.
21/II да — ИСПАН МИНИАТЮРАЛАРИ.
22/II да — КАРМЕН.
23/II да — ОЛАМНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
24/II да — СЕВГИ ҲАҚИДА ҚИССА.
25/II да — М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси опера студиясининг премьераси. ЧЕТ ЭЛЛИК ПЕТРУШКА (12.00). БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР (19.00).
27/II да — ЧИО-ЧИО-САН.

КАССА СОАТ 11.00 ДАН ОЧИҚ.

СПРАВКАЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОН: 33-90-81.
Спектакллар соат 19.00 да бошланади.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-РЕМОНТ ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ

155-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: машинист ёрдамчилари, тепловознинг механик қисмини ремонт қилувчи слесарлар, тепловознинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар ва электр-газ пайвандчилар, холодильник ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар, дурадгорлар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процента билан таъминланадилар.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигитлар қабул қилинади.

Уч йиллик таълим группасида ўқиган ўқувчиларга мутахассислик ва ўрта маълумот ҳақида ҳужжат берилади. Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

Ўқиш даври узлуксиз иш стажига киради.

Билим юртини тамомлаганлар темир йўл хизматчиларига бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланишади, яъни Иттифоқимизнинг барча пунктларига бепул темир йўл билети билан таъминланадилар.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақида ҳужжат, мактабдан характеристика, медицина справкаси, турар-жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 та фотосурат (3x4 см.).

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 12-уй (5, 1-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-04.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.05 — «Биз БАМни қуряпмиз». 10.50 — Ўсмирлар ижоди. 11.30 — «Машъал бўлиш учун ён». Бадиий фильм, 1-серия. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Мунозара клуби». 16.50 — «Жонажон табиат». 17.15 — «Беш йиллик маршида». 18.15 — «14 дан 18 гача». 18.45 — «Фан оламида». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.15 — «Машъал бўлиш учун ён». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Нима? Қаерда? Қачон?». 23.10 — С. Раҳманинов 2-симфония. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30—Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Физика. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — «4 март — СССР Олий Советига сайловлар куни». 18.45 — «Ахборот». 19.00 — «Мусофирхонада». Телетеатр. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.05 — «Чорвадор» 22.25 — «Ефрейтор Збруевнинг етти қайлиғи». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Юлдузча». 20.15 — «Тошкент» телепрограммаси. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Янгиликлар.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/I да **Бир актли балетлар**, 25/I да **Севилья сартароши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/I да **Шошма, қуёш!** 25/I да **Рўйхатларда йўқ...**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/I да **Ўжарлар**, 25/I да **Йиллар ўтиб.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/I да **Кичик фожиалар**, 25/I да **Фақат ақл сотилмайди.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Тўрт қуёв»** эстрада-цирк лўлилар ревюсининг гастроллари.

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» лойиҳа-конструкторлик бюросининг

РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ

(олдинги Янгийўл ремонт заводи)

НШ 32/46 ва ГР 40/75 гидронасослари бўйича

БУЮРТМАЛАРНИ ИНВЕНТАРИЗАЦИЯДАН ЎТКАЗАДИ.

Эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун мобайнида заводга келмаган буюртмачиларнинг буюртмалари бекор қилинади.



Суратда: Чиноз районидаги Киров номли колхозда қад кўтарган янги ҳаммом.

Н. Гибадулин фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

БИЗ ҚАНЧАМИЗ

ЕР юзи аҳолиси йилига тахминан 2 процент кўпайиб бормоқда. Америкадаги атроф муҳитни ҳимоя қилиш Фондининг маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда жаъми аҳоли 4 миллиард 365 миллион 300 минг кишига етди. Ўтган йили аҳоли 59 миллион кишига кўпайди.

Хитой аҳолиси бир миллиарддан ошиб кетди. Аҳолининг кўплиги жиҳатдан Ҳиндистон аввалгидек иккинчи ўринни эгаллайди. Бу ерда 656 миллион киши бор. Совет Иттифоқи эса учинчи ўринда: мамлакатимизда 261 миллион киши яшамоқда. 230 миллион аҳолига эга бўлган АҚШ тўртинчи ўринда турибди.

ВРАЧЛАР НАМУНАСИ

ЎЗИ чекадиган врачнинг беморлар ўртасида чекишга қарши ташвиқот юритиши ҳеч кимни ишонтирмайди. Бундан 10 йил муқаддам Швецияда врачлар ўртача бутун аҳолидан ҳам кўпроқ тамаки чекишарди. Кейинги вақтда бу борада сезиларли бурилиш содир бўлди. Агар 1969 йилда мамлакатдаги ҳамма врачларнинг 46 процента чеккан бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 30 процентга тушиб қолди. Бошқа касб эгалари ўртасида врачлар кашандалик бўйича энг кам процентни ташкил этишмоқда. Аммо, Швеция аҳолиси ўртасида кашандалар сони амалда камаймаяпти. Эҳтимол, врачлар намунаси уларга таъсир кўрсатар.

КИМЛАР УЧУН ЖАННАТ?

КЕЙИНГИ вақтда Миср наркотик товар савдогарлари учун чипакам жаннатга айланди. Улар бу ерда мислсиз фойда олиб, ҳеч қандай жазога тортилмасликларини яхши биладилар.

Қоҳирада чиқадиган «Ал-Аҳбор» газетаси берган маълумотга қараганда, ҳар йили Миср Араб Республикасига 200 тоннага яқин наша ҳамда 40 тоннага яқин заҳарли таблетка ширинча келтириб сотилмоқда.

(АПН).

БИЗНИНГ АДРЕС 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия гурмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325555; адабиёт ва санъат — 32576 совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07038. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2317.